Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 41 (20. 608) • 1990 йил 17 февраль, шанба • Баҳоси 3 тийин.

СССР Олий Советининг учинчи сессиясида

Қонунлар умумий манфаатларга хизмат қилсин

СССР Олий Советининг 14 февралдаги эрталабки мажлисида А. И. Лукьянов шуни маълум қилдики, СССР Олий Совети Президиуми СССР халқ депутатлари иккинчи Съезди нинг қарорларини амалга ошириш юзасидан Олий Советнинг ишини ташкил этиш тўғрисидаги қарор лойиҳасини сессия муҳокамасига киритади. Бу қарор таклиф этилган кун тартибига чамбарчас боғланади ва шу билан бирга келгусидаги ҳамма ишларнинг руҳини белгилаб беради. Нотиқ бу ишнинг муҳим хусусиятлари ҳақида гапириб, халқ депутатлари Съезди Олий Советга принципиал янги ваколат берганини уқтириб ўтди: Олий Совет Қонунларни қабул қилиш билан айни бир вақтда энди Конституциянинг айрим моддаларига зарур ўзгартишларни киритиши ва кейинчалик уларни навбатдаги Съездда тасдиқлаши мумкин.

Вужудга келаётган вазиятни эътиборга олиб, депутатлар Съезднинг топшириғига мувофиқ, халқ хўжалигини барқарорлаштиришни таъминлашга оид шошилинч, шунингдек фавқулодда чоратадбирларни белгилаш чоғида имкони борича кўпроқ принципиаллик ва ишчанлик кўрсатишлари лозим. Шу муносабат билан Олий Совет Президиуми ҳукуматнинг сессияда мамлакат иқтисодиётини соғломлаштириш программасини амалга ошириш масаласини кўриб чиқиш тўғрисидаги таклифини қабул қилиш зарур, деб ҳисоблайди.

Ўн учинчи беш йиллик плани лойиҳасининг бўлажак муҳокамаси алоҳида аҳамиятга эгадир. Социалистик бозор шароитларига мослаша олиш, аҳволнинг ўзгариши, корхоналар, регионлар, республикалар иқтисодий мустақиллигининг кенгайиши билан боғлиқ пухталик фазилатлари ана шу лойиҳага хос бўлиши керак. Айни вақтда Олий Совет планда аҳоли фаровонлигини ошириш, агросаноат комплексини устун даражада ривожлантириш, аввало озиқ-овқат таъминотини яхшилаш, экология вазиятини соғломлаштириш йўли нечоғлик акс этишини алоҳида назорат остига олади, албатта.

Миллатлараро муносабатларнинг муҳим масалалари ни кўриб чиқишни давом эттириш керак. Олий Совет Президиуми эҳтиросларни соғлом ақл-идрокдан устун келмаслиги, ҳар бир тадбиримизга байналмилалчилик сингиб кетиши учун бу масалаларни ҳал этишда ҳамкорлик қилишга, ушбу масалаларга босиқ-вазминлик билан ёндашишга даъват этади.

А. И. Лукьянов янгитдан сайланаётган барча даражалардаги халқ депутатлари Советлари иши даражасини тубдан кўтариш вазифаларига тўхталди.

Қарор лойиҳасида алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, деди сўнгра нотиқ, қонун чиқарувчилик билан бирга СССР Олий Советининг идора этиш ва назорат қилишга оид ваколатларини амалда рўёбга чиқариш билан боғлиқ бўлган масалаларга кўп куч-ғайрат сарфлаш керак бўлади. Анчагина шундай масалалар тўпланиб қолди. Аммо Олий Совет Қонунлар билан нечоғлик банд бўлмасин, назорат вазифаларини амалга ошириши ғоят муҳимдир.

СССР Олий Совети Президиуми шунга асосланадики, бу галги сессия тахминан 24—25 апрель кунлари якунланиши мумкин. Кун тартибининг тиғизлиги асосий ишни комиссиялар ва комитетларга ўтказиш зарурлигини ҳисобга олиб ялпи мажлислар учун бир ҳафта ажратиш, яна бир ҳафтани эса комитетлар ва комиссиялар иши

(Давоми иккинчи бетда).

ЭРТАГА— Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови куни

Қайта қуриш даврининг жумҳуриятимиз кўламида ўтаётган илк сайлови маррага яқинлашмоқда. Номзодлар кўрсатиш, уларни рўйхатга олиш жараёнидаги қизғин баҳс ва мунозаралар, кунлаб давом этган тортишувли йиғилиш ва конференциялар ортда қолди. Сайловлар қандай ўтади! Сизнинг округингиздан кимлар депутат этиб сайланади! Умуман, унинг якунлари қандай! Ҳадемай биз бу савопларга жавоб топамиз.

Ҳали хулоса чиқаришга вақт эрта. Аммо ҳозирдаёқ қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу кампания ҳеч кимни лоқайд қолдирмади. Кишиларда гражданлик масъулиятини кучайтирди, эътиборсизлик, беҳафсалалик, лоқайдлик кайфияти чекинди. Ушбу сайловнинг ўзига хос хусусиятлари дастлабки кунларданоқ уни республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг марказига олиб чиқди. Исталганча номзод кўрсатиш, уларнинг қарашлари, ўткир ижтимоий масалаларга муносабатларини таққослаш орқали танлаб сайлаш имконияти кенг оммани сайловолди мунозараларига жалб этди. Номзодлик йўлидаги босқичларда анкета мазлумотлари эмас, маънавий қадриятлар эъзозлана бошланди.

«Биз республика ва маҳаллий Советларга сайлов арафасида турибмиз. Бу сайлов сиёсий ислоҳотнинг янада чуқурлашувини англатади ва одамларнинг давлатни бошқаришда амалда иштирок этиши учун янги имкониятлар очиб беради... Советларнинг мавқеи ва ролидаги туб ўзгаришлар уларнинг янги вазифалари орқали ҳам, у ерга келадиганлар орқали ҳам амалга ошиши мумкин». КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачевнинг яқинда Москвада бўлиб ўтган ишчилар синфи, деҳқонлар, инженер-техник ходимлар вакилларининг Бутуниттифоқ кенгашида сўзлаган нутқида айтилган бу фикрлар ушбу сайловлар масъулиятини ҳам чуқурроқ ҳис этишга даъват этади. Зотан республика халқ депутатлиги ва маҳаллий Советлар депутатлигига кўрсатилган номзодлар орасида ҳалол меҳнати билан элга танилган, умум иши учун жонкуяр, турли миллатга мансуб, турли касбкор ва лавозимдаги кишилар кўп. Республикамиз пойтахтидаги кўн-мўйна заводи донгдор ишчиси Сожида Зияева, Андижон областидан пешқадам бинокор Ўринбой Режаббоев, Хонқа районидан эл эъзозлаётган пахтакорлар Зулфия Иброҳимова ва Жумагул Қуромбоева, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тил ва адабиёт институти илмий ходими С. Зинин, Сирдарё областидаги паррандачилик фабрикаси ишчиси Сайёра Бобомуродова ана шулар жумласидандир.

Номзодлар составининг характерли томони шундаки, улар орасида партияга мансуб кишилар кўпчиликни ташкил этади. Номи сайлов бюллетенларида қайд қилинганларнинг 86,5 фойизи КПСС аъзоларидир. Бу ўз-ўзидан тушунарли. Бутун мамлакатимизнинг бош вазифаси бўлган қайта қуриш унинг номи билан боғлиқ. У партия томонидан кун тартибига қўйилди ва бошлаб берилди. Бу ишга биринчи бўлиб жамиятимизнинг сиёсий жиҳатдан фаол, жонкуяр вакиллари бош қўшдилар. Партия эса ана шундай кишиларни, улар ишчилар, деҳқонлар, зиёлилардан қай бирига дахлдорлигидан қатъи назар, ўз сафларида бирлаштириб турибди. Шунинг учун ҳам номзодларнинг партиявийлиги ўсганлиги қонуниийдир.

Республика Компартиясининг ҳаракат дастури ушбу кампанияни янги мазмун билан бойитди. Кенг меҳнаткашлар оммаси томонидан маъқуллаб кутиб олинган бу муҳим ҳужжатда жамиятимиз турли қатламларининг талаб ва истаклари, орзу-интилишлари инобатга олинган. Унда республика Компартиясининг яқин келажакка мўлжалланган мақсад ва вазифалари мужассам. Инсон ҳақида ғамхўрлик, унинг турмушини яхшилаш, фаровонлигини таъминлаш дастур мазмун-моҳиятида муҳим ўрин тутади. Республика Компартияси бизни ўз гражданлик бурчимиз ва жумҳурият тақдири учун жавобгарликни теран англаб етишга, ҳалол, виждонан қилинган меҳнат билан тараққиётимизни жадаллаштиришга даъват этди.

Шубҳасиз, номзод дастури унинг сайловолди фаолияти гултожидир. Меҳнаткашлар номзод ҳақидаги илк тасаввурни ана шу программадан биладилар. Ушбу масъулиятли кампания мобайнида обдон ўйлаб тузилган, бажарса имконият кўтарадиган жуда кўп эътиборга сазовор программалар сайловчилар ҳукмига ҳавола этилди. Уз мазмун мундаражаси билан республика Компартияси ҳаракат дастурига ҳамоҳанг ўй-режалар баён этилдики, ундан фақат қониқиш мумкин. Улардан атроф-муҳитни муҳофаза қилишдан тортиб, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, аҳолига кўрсатилаётган хизмат сифатини кескин яхшилашгача бўлган жуда кўп масалалар қамраб олинган. Бу программалар халқ бахт-саодати, равнақи ҳақида қайғуришдан далолатдир.

Аммо ҳар қандай орзу ҳавас ҳам тегишли асосга эга бўлиши керак. Кўпчилик маблағи, олган даромадимиз эвазига бажариладиган ишлар ҳақида гапирилар экан, ниҳоятда босиқлик лозим. Бўлар-бўлмас ваъдалар бераверишмиз, реал бўлмаган ишларни зиммага олавериш билан обрў қозониш мумкин эмас. Ҳар қандай номзод депутатликка сайланар экан, куни келиб зиммасига олган наказларни қандай бажарганлиги ҳақида ҳисобот билан чиқишини унутмаслиги керак. Иқтисодиётни ривожлантириш орқали турмуш тўкинлигига эришиш, мавжуд имконият ва резервлардан оқилона фойдаланиш йўлларини топишга даъват этиш ҳам депутатлик корпуси учун хос фазилатлар бўлиб қолмоғи лозим. Ташаббускорлик, меҳнатда шахсий намуна кўрсатиш, илғор иш усулларини кенг оммалаштиришга интилиш уларнинг кундалик фаолияти мазмуни бўлиб қолсин.

Аксинча, айрим номзодлар фаолиятида ўтган сайловларда қаттиқ танқид қилинган ўз-ўзини кўз-кўз қилиш, ўз ҳамёни, корхонаси ёки хўжалиги ҳисобидан маблағ сарфлаш эвазига ажралиб туришга интилиш кузатилдики, бундай вазият билан муросасозлик қилиб бўлмайди.

Мураккаб ва тиғиз шароитда яшаб турибмиз. Қайта қуришнинг бурилиш, ҳал қилувчи ва энг қийин босқичи бошланди. Инқилобий ўзгаришлар турмушнинг энг чуқур қатламларига кириб бормоқда, меҳнаткашларнинг туб манфаатларига дахл қилмоқда. Миллатлар ўртасидаги ҳамкорлик, яқдиллиқни таъминлаш янада муҳим аҳамият касб этаётир. Шундай экан, эртага ўз гражданлик бурчимиз ва республикамиз тақдири учун жавобгар эканлигимизни чуқур англаб, қайта қуришнинг чинакам курашчилари учун, одамлар турмушини яхшилаш учун овоз берайлик. Куч-ғайратларимизни бирлаштириб, республикани миллий ва ижтимоий тараққиётнинг сифат жиҳатидан янги марраларга олиб чиқиш учун курашайлик.

КОМПАРТИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, МЕҲНАТ, ИЖТИМОИЙ ИНТИЗОМНИ ВА УЮШҚОҚЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ТАРАФДОРИДИР. ДЕМОКРАТИЯ — АНАРХИЯ ВА УЗБОШИМЧАЛИК ЭМАС. ИНТИЗОМ, УЮШҚОҚЛИК, МАСЪУЛИЯТГИНА БАРЧАНИНГ ВА ҲАР БИР КИШИНИНГ ТУРМУШИ АМАЛДА ЯХШИЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШИ МУМКИН.

(ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ САЙЛОВОЛДИ ҲАРАКАТ ДАСТУРИДАН).

ҲАММА НАРСА ТАХТ

Мана, кўпдан бери кутилган қизғин дамлар етиб келди. Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига ва маҳаллий Советлар депутатлигига сайловлар кунига жумҳуриятимиздаги кўпгина округлар қаторида Ленин районидаги 233-сайлов участкаси вакиллари ҳам пухта ҳозирлик кўришди, тарғибот-ташвиқот ишлари намунали йўлга қўйилди. Бу ишларда В. Байтуллаев, Р. Самиғова, Д. Аҳмедова, М. Мирфайзиев ва бошқа ташвиқотчилар фаоллик кўрсатишди.

Суратларда: 1. Сайлов комиссияси аъзолари иш устида. 2. Тошкент кўчаларида сайлов нафаси.

В. МОЛГАЧЕВ суратлари.

ЯНА ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ ҲАҚИДА

Сайлов куни яқинлашган сайин газетамиз редакциясига меҳнаткашлардан бевосита овоз бериш жараёнига оид саволлар кўпроқ кела бошлади. Жумладан, Тошкент областидан ишчи Р. Раҳимов ва хоразмлик пахтакор Р. Жуманиёзовлар сайлов куни амалга ошириладиган ишлар, сайловчилар изҳор этган ҳоҳиш-ирода сир тутилишининг таъминланиши ҳақида сўраганлар.

— Аввало сайлов куни амалга ошириладиган барча ишлар асосан сайлов участкасида олиб борилиши ва якун қилинишини таъкидламоқчиман. Участка комиссиялари ўз сайлов участкасида овоз беришни ташкил этиш, сайловчилар изҳор этган ҳоҳиш-иродаси сир тутилишини таъминлаш, яширин овоз бериш учун барча шарт-шароитларни яратишга жавобгардирлар.

Сайлов тўғрисидаги қонунларга асосан сайлов куни овоз бериш маҳаллий вақт билан эрталаб соат 7 дан кечқурун соат 20 гача давом этади. Овоз бериш одатда сайлов участкасида махсус ажратилган бинода ўтказилади. Бунинг учун шу бинода яширин овоз беришни таъминловчи кабиналар ёки хоналар жиҳозлаб қўйилди, сайлов қутилари ўрнатилган.

«Совет Ўзбекистони» мухбири С. Муҳиддинов республика Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси М. Тешабоев билан суҳбатлашди

Сайлов куни участка сайлов комиссиясининг раиси сайлов қутилари, сайловчилар рўйхати ҳамда тегишли округлар бўйича сайлов бюллетенлари мавжудлигини комиссия аъзоларига маълум қилади ва уларнинг иштирокида сайлов қутиси бўш эканлигини текширади ҳамда уни беркитиб, комиссия муҳри билан муҳрлайди (сўрғичлайди).

— Бухоро областидан хат ёзган бир группа ўртоқлар ўтган сайловларда сайловчиларнинг бир неча киши учун овоз бериши ҳоллари такрорланганини ёзишибди.

— Ҳар бир сайловчи сайлов участкасига келиб шахсан овоз бериши керак. Бошқа кишилар, қариндош-уруғлар учун овоз беришга йўл қўйилмайди. Бунга йўл қўйган участка сайлов комиссиялари қонун олдида жавоб берадилар.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови ва республика маҳаллий Советларига сайловлар бир кунда ўтаётганлиги учун ҳар бир сайловчи сайлов участкасига келганда, ўзи яшаб турган шаҳарга, районга, қишлоққа қараб камида учта, кўпи билан тўртта сайлов бюллетени олади. Тошкент шаҳрида ҳамда районларга бўлинмаган областга бўйсунувчи шаҳарларда яшовчи, сайловчилар эса учтадан сайлов бюллетени, қолган жойдаги сайловчилар эса тўрттадан сайлов бюллетенлари оладилар. Қорақалпоғистон АССР сайловчилари Қорақалпоғистон халқ депутати сайлови бўйича сайлов бюллетени оладилар.

— Айтгандай яна яширин овоз бериш кабинаси ҳақида. Айтайлик, сиз кабинага кирдингиз, қўлингизда учта ёки тўртта бюллетенингиз бор. Сайловчилар кўп, кимдир келиб кабинадан чиқишингизни кутиб қолди...

— Ҳеч қиси йўқ. Бу вазиятда шошиб-пишиш шарт эмас. Сайловчи кабинада зарур муддат бўлишга ҳаққи бор. Овоз берувчи кабинада сайлов бюллетенларини ўқийди, бюллетенга ёзилган номзодлардан қайсинисига қарши овоз бермоқчи бўлса, ўша номзод фамилияси устидан чизиб қўяди (ўчиради). Бунда шуни ёдда тутиш керакки, сайлов бюллетенларида неча киши ёзилган бўлишидан қатъи назар сайловчи ўзи ҳоҳлаган бир номзоднинг фамилиясини қолдириб, бошқаларини ўчириши керак. Акс ҳолда сайлов бюллетенлари ҳақиқий эмас, деб топилади.

— Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Мабодо сайловчи бетобланиб қолса, нима қилиши керак бўлади?

— Агар сайловчи касаллиги туфайли ёки бошқа бирор сабабга кўра сайлов участкасига келиб овоз беролмаса, участка сайлов комиссияси махсус вакил қилинган шахсни кичик ҳажмли сайлов қутиси билан унинг ҳузурига юбориб овоз беришга қатнаштириши мумкин. Бошқаларнинг ёрдамига муҳтож бўлган, сайлов бюллетенини шахсан кичик ҳажмли сайлов қутисига тўлдиролмайдиган сайловчилар яширин овоз бериш кабинасига ҳоҳлаган бир сайловчини (комиссия аъзоларидан ташқари) ёрдамга таклиф қилишга ҳақлидир.

ЎзТАГ ҲУЗУРИДАГИ РЕСПУБЛИКА МАХСУС МАТБУОТ ГРУППАСИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ТЎРТИНЧИ БОШҚАРМА ТУГАТИЛДИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети меҳнаткашларнинг республика партия, совет идораларига ва жамоат ташкилотларига қилган жуда кўп мурожаатларини ҳисобга олиб, СССР Олий Совети Имтиёзлар комиссиясининг тавсияларига амал қилиб, ижтимоий адолат принципини амалга ошира бориб, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳузуридаги IV бош бошқармани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Бошқарманинг тиббий ва санаторий муассасаларини, жумладан икки поликлиника, икки касалхона ва тўрт санаторийни оналар ва болаларнинг даволаш-диагностика марказини ташкил этиш ҳамда уруш ва меҳнат ветеранлари умумий фойдаланиши учун топширишга қарор қилинди.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳузуридаги собиқ IV бош бошқарма объектларини топшириш ва уларни юқорида кўзда тутилган мақсадларга мослаштириш билан боғлиқ барча ташкилий, хўжалик, молиявий ва кадрлар масалаларини ҳал қилиш учун СССР халқ депутати, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси, Уруш ва меҳнат ветеранлари Ўзбекистон кенгашининг раиси Р. Ғ. Ғуломов бошчилигидаги идоралараро-жамоатчилик комиссияси тузилди. Комиссия таркибида Уруш ва меҳнат ветеранлари Ўзбекистон кенгаши раисининг ўринбосари Г. И. Скоробогатов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг котиби Тоҳир Малик, Тошкент область, Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхозининг раиси С. Муҳаммаджонов, Тошкент экскаватор ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари Р. Й. Йўлдошев, Ўзбекистон ССР Қизил ярим ой жамияти марказий комитетининг раиси О. Т. Воҳидова, В. И. Ленин номли Совет болалар фонди Ўзбекистон республика бўлими раисининг ўринбосари И. Т. Юсупова, Ўзбекистон касаба союзлари республика кенгашининг секретари О. К. Адаманов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Н. Носиров, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти академик А. М. Акромхўжаев ва бошқалар бор.

Комиссия ишга киришди.

Область Советининг сессияси

ҚАРШИ, 16 февраль. (ЎзТАГ). Бугун халқ депуталари Қашқадарё область Советининг сессияси бўлди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди.

В. И. Сускин бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан область ижроия комитетининг раиси вазифасидан озод қилинди.

Қашқадарё область партия комитетининг секретари бўлиб ишлаган Темир Пўлатович Хидиров яширин овоз бериш йўли билан область ижроия комитети раислигига сайланди.

Сессияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СИРДАРЁ ОБЛАСТИНИ ҚАЙТАДАН БЎЛИШ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАРКИБИДА ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИНИ ТИКЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

1. Сирдарё области қайта бўлинсин ва Ўзбекистон ССР таркибида маъмурий маркази Жиззах шаҳрида бўлган Жиззах области қайта тиклансин.

Сирдарё областининг Жиззах шаҳри, Арнасой, Бахмал, Ғаллаорол, Жиззах, Дўстлик, Зомин, Зарбдор, Мирзачўл, Октябрь, Пахтакор ва Фориш районлари Жиззах области таркибига берилсин.

2. Сирдарё областининг маъмурий маркази Жиззах шаҳридан Гулистон шаҳрига кўчирилсин.

3. Мазкур Фармон 1990 йилнинг 1 мартидан кучга киритилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 16 февраль.

МИННАТДОРЧИЛИК

Республика халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайловига ҳозирлик ниҳоясига етди. Эртага сайлов. Жумҳуриятимизнинг истиқболи, турмушимизнинг кўрки, фаровонлиги кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган муҳим кампания якунланмоқда.

Тўрт ой. Ушбу муҳим кампанияга илк бор киришилган кунлардан бизни ажратиб турган бу муддат қизғин тортишувлар, баҳс ва мунозараларга бой бўлди. Бутун жумҳуриятимиз халқ депутатлари сайловига тайёргарлик руҳи билан яшади. Газета мухбирлари, штатсиз активлар, ишчи-деҳқон фаоллари ошкоралик ва демократия асосида олиб борилган сайловолди беллашувларига катта қизиқиш билдирдилар. Газетамиз редакцияси кун сайин шаҳар ва қишлоқлардан ана шу мавзуга бағишланган хат ва хабарлар олиб турди.

Хатлар — кўнгил изҳори. Киши қўлига қалам олар экан, қалбини жумбушга келтирган масалалар ҳақида берилиб мусоҳаба қилишга киришади. Бировни сайловга ҳозирлик жараёнидаги ошкоралик тўлқинлантирса, кимдир тобора демократияга эрк берилаётганидан мамнунлик изҳор этади. Кимдир сайлов олдидаги суст кашликдан безовталанса, иккинчи бир юзлаб сайловолди конференцияси ҳақида ёнибкуйиб фикрлайди. Бошқа бир муаллиф эса участка сайлов комиссиясининг фаолияти ҳақида мамнунлик билан ёзади. Агитпункт ва тарғибот марказлари фаолияти, сайлов участкаларида халқ иродаси қанчалик инобатга олинаётгани ҳақида ўз муносабатини билдирганлар қанча.

Афсуски газета саҳифалари тиғизлиги туфайли бу хатларнинг ҳаммасидан ҳам фойдаланиш имкони бўлмади. Ҳолбуки, уларнинг аксарияти газета саҳифасини безаган, кўпчилик диққатини тортган материаллар бўлиши мумкин эди. Шу муносабат билан биз сайлов арафасида ана шу кампаниянинг қандай бораётганлиги ҳақида масъулият билан ёзилган мактублар муаллифларига газета мазмун мундаржасини бойитиш йўлида қилган сайи-ҳаракатлари учун миннатдорчилик билдирамиз. Уларнинг қаламкашлик фаолиятларида омад ва муваффақият тилаймиз.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми меҳнаткашларнинг, партия, совет органларининг республика маъмурий-территориал тузилмаларини бўлиш борасидаги таклифларини ўрганувчи республика комиссияси бир қанча районларнинг бўлиниши, тикланиши ва тузилиши тўғрисидаги таклифларни тайёрлашни ниҳоясига етказаётганлигини маълум қилади. Мазкур масалалар юзасидан фармонлар яқин кунларда қабул этилиб, эълон қилинади.

СССР Олий Советининг учинчи сессиясида

ҚОНУНЛАР УМУМИЙ МАНФААТЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

(Давоми. Боши биринчи бетда).

учун ажратиш таклиф этилади. Ўтган галги сессия тажрибаси ишни шу тахлитда йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди. Олий Совет аъзоларининг кўпдан кўп таклифларини ҳисобга олиб, ҳукумат аъзолари, давлат бошқа органлари раҳбарларининг депутатлар саволларига жавоблари учун ҳар ойда бир кунни ажратиш мақсадга мувофиқ бўлур эди, деди пировардида А. И. Лукьянов.

Депутатлар кун тартибига оид таклифларни диққат-эътибор билан тингладилар. Кун тартибидаги энг муҳим масалаларни белгилаб чиқиш, иш тартибини ҳал этиш қийин эмасдек туюлади. Аммо худди ана шулар хусусида қизғин мунозара бўлди. Депутатлар, жумладан, мамлакатнинг аҳвол мураккаблашган жойларидаги вазиятни барқарорлаштириш юзасидан қандай чора-тадбирлар кўрилиши назарда тутилаётганини, СССР Конституцияси 6-моддаси тўғрисидаги масалани қай тахлитда муҳокама қилиш кераклигини ва бу масалани ҳозир муҳокама қилиш керак ёки керак эмаслигини ойдинлаштириб беришни илтимос қилдилар. Биз республика ва маҳаллий Советлар сайлови арафасида турибмиз ва шу муносабат билан биринчи навбатдаги масалалар орасида маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш лозим, деган фикр ҳам айтилди. Депутатлардан бири парламентда оқсоқоллар кенгаши яна ҳам фаолроқ мавқени эгалласин, деди. Бу эса сессияда қайси қонун лойиҳаларини ва қандай тартибда кўриб чиқиш тўғрисида асосланган тавсиялар бериши мумкин эди. Ҳар қалай, СССР Олий Совети Президиуми кун тартибини белгилашда мамлакатдаги вазиятни ҳамда у ёки бу қонун лойиҳаси қай даражада тайёр бўлганини назарда тутди.

Кун тартибини белгилаш ўткир тус олди ва ғоят хилма-хил фикрлар борлигини акс эттирди. Бир қанча катта масалалар аниқлаб олинниб, асосан шулар атрофида мунозара бўлди. Миллатлараро муносабатлар, СССРнинг миллий-давлат қурилиши муаммолари, халқ депутатларининг навбатдан ташқари Съездини чақириш масаласи, шунингдек сессия муҳокамасига тақдим этилган қонунлар мажмуасининг мазмуни шулар жумласидандир. А. И. Лукьянов нутқида баён этилган кун тартибини тўлдириш тўғрисида ҳам таклифлар тақдим этилди.

М. С. Горбачев авж олиб кетган мунозарада қатнашиб, бу мунозаранинг фойдали бўлаётгани ва муҳимлигини таъкидлади. Олий Советдаги барча мунозаралар сингари, деди у, айниқса сессия ишидаги танаффусдан кейин ва ҳозирги вазиятни эътиборга оладиган бўлсак, бу мунозарага эҳтиросларни умумлаштиришни ва тавсиялар ишлаб чиқишни илтимос қилди.

Президиум аъзолари ана шу муҳокама чоғида белгиланаётган кун тартиби масалаларнинг уч гуруҳини қамраб олаётгани, шу масалаларнинг бир гуруҳини аввал Иттифоқ Совети мажлисида, бошқа гуруҳини эса Миллатлар Совети мажлисида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқлиги, шундан кейин эса ушбу масалаларни палаталарнинг қўшма мажлисларида кўриб чиқишга қайтиш лозимлиги тўғрисида айрим депутатлар айтган мулоҳазаларга қўшилдилар. Олий Советнинг аксарият аъзолари сессиянинг худди ана шундай иш тартиби учун овоз бердилар.

Сессия кун тартибига СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари Съездини чақириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни киритишга қарор қилди. СССР Конституциясига бир қанча ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш зарур бўлиб қолганлиги, жумладан, мамлакатда демократик президентлик ҳокимиятини таъсис этиш зарурлиги туфайли ана шу съездни чақириш лозим бўлиб турибди.

Бир қанча депутатларнинг таклифига кўра Озарбайжон ССР ва Арманистон ССРдаги аҳвол, у ердаги вазиятга ва кайфиятларнинг таъсири бўляпти, албатта. Аммо, ҳар қалай, бу мунозарада ақл-идрок билан айтилаётган амалий гаплар кўп. Кун тартиби хусусидагу ишда буни асос қилиб олиш керак.

Олий Совет Раиси депутатларга уларнинг ўзи иккинчи Съездда қабул қилган иқтисодий ва сиёсий муаммолар хусусидаги, миллатлараро муносабатларни ва федерациямиз доирасидаги жараёнларни ривожлантиришга дахлдор масалаларнинг бутун мажмуасига оид қонунларни қабул қилишни жадаллаштириш тўғрисидаги қарорни эслатди. Буларнинг ҳаммаси таклиф этилган кун тартибига киритилган ва съезд топшириғига мувофиқдир. Бунинг устига, мамлакатдаги ҳозирги вазият барча ана шу муаммоларнинг долзарблигини яна ҳам ойдинлаштирди.

Кўпчилик депутатлар, деди М. С. Горбачев, мамлакатдаги тартибни, қонунларнинг амал қилишини биринчи ўринга қўймоқдалар. Бу — тушунарлидир, чунки демократия тегишли дастурлар билан муҳофаза этилмаса, барбод бўлади. Мураккаб вазиятдан фойдаланиб қолмоқчи бўлган кучлар топилади. Шунинг учун ҳам қонунлар мажмуаси зарур, улар одамларга ишонч бахш этиш имкониятини берган бўлур эди.

Кун тартибини белгилаш чоғида турли фикрлар жумладан, зиддиятли ва бирбирини истисно этадиган фикрлар айтилганлиги муносабати билан М. С. Горбачев СССР Олий Совети Президиуми аъзоларидан танаффус вақтида тўпланиб, депутатларнинг таклифларини умумлаштириш давлат комитети раиси билан биргаликда сессия ишини қандай ёритиш тўғрисида таклифни ишлаб чиқиш ҳақида топшириқ берилди.

СССР Олий Советининг учинчи сессияси 25 апрелга қадар ишлайди. Депутатлар шундай қарорга келишди.

15 февраль куни сессия ўз ишини давом эттирди. Куннинг биринчи ярмида палаталарнинг навбатдаги қўшма мажлиси бўлди.

* * *

СССР Олий Совети учинчи сессияси ишининг олға ҳаракат қилиши йўлини танлаб олишда нима дастур бўлиши мумкин? Парламентнинг биринчи мажлисида бу хусусда қизғин баҳслар бўлди. Сессия номига кўпдан-кўп телеграммалар келди, булар шундан далолат бериб турибдики, ишни асосий, бош қонун лойиҳаларидан бошлаш керак, деб таъкидлаган депутатлар ҳақ гапни айтишган экан. Палаталарнинг 15 февраль куни бўлган қўшма мажлиси СССРнинг мулкчилик тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқишга киришган экан, бу жуда ўринли бўлди. Мажлисга **А. И. Лукьянов** раислик қилди.

Халқ депутатлари ва меҳнаткашлардан тушган таклифларни кўриб чиқиш юзасидан ҳукумат махсус тузган комиссия қонун лойиҳаларини узил-кесил маромига етказиш билан шуғулланди. Фикр-мулоҳазалар эса 10 мингдан ҳам ошиб кетган эди. Бундай таклифлар умумлаштирилди. Комиссия раиси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари **Л. И. Абалкин** парламент минбаридан туриб лойиҳанинг узил-кесил варианти тўғрисида доклад қилар экан, бу лойиҳага принципиал позициялар хосдир, деб таъкидлади, булар эса совет жамияти туб неғизларини бутунлай янгилашга қаратилган. Лойиҳага кўра, тенг ҳуқуқлилик ва баб-баравар муҳофаза этилиш шароитида мулкнинг жуда хилма-хил формаларининг мавжуд бўлиши ва айни бир вақтда амал қилиши қонуний эканлиги эътироф этилади.

Нотиқ лойиҳа ўзининг ҳозирги кўринишида муайян мувозанатга эришганлиги ва етарли даражада яхлит ҳужжат бўлганлигини таъкидлаб, иккинчи муҳокама қилиш чоғида депутатларни босиқ-вазминлик ва давлат арбобига хос донолик кўрсатишга даъват этди. Ушбу қонун лойиҳаси қабул қилиниши биланоқ турмуш дарров ўзгариб кетади, деб ортиқча хом хаёлларга берилиши керак эмас, деб огоҳлантирди у. Мулкчиликнинг янги иқтисодий муносабатлари қарор топиши учун йилларгина эмас, балки ўн йиллар керак, аммо ҳаракатни бугунданоқ бошлаш керак, деб таъкидлади нотиқ.

Ҳукумат тақдим этган қонун лойиҳаси парламентда биринчи бор муҳокама қилинганидан кейин лойиҳа устида доимий комитетлар ва комиссиялар иш олиб борди. СССР Олий Советининг қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети раисининг ўринбосари **Ю. Х. Калмиков** ва СССР Олий Советининг иқтисодий ислоҳот масалалари комитети аъзоси **А. Н. Бойко** сессияда мазкур комитетлар ва комиссияларнинг коллектив фикрини баён этдилар. Улар, асосий вариантдан ташқари, яна бир қанча муқобил вариантлар, шунингдек «муаллифларнинг лойиҳалари» ҳам кўриб чиқилганини таъкидлашди. Бундай ҳужжатлар оз эмас, кўп эмас — 39 та эди. Нотиқлар ишонтириб айтганларидек, ана шу дарёдек мавж уриб кетган фикрлар замиридаги барча оқилона таклифлардан асос қилиб олинган вариантни қайта ишлашда фойдаланилди. Меҳнаткашлардан қонун чиқарувчилар номига келаётган таклифлар оқимига ҳам эътибор берилди, албатта, чунки ҳаммамизга маълумки, лойиҳа умумхалқ муҳокамасига қўйилган эди.

Музокараларда ўттиз депутат сўзга чиқди, шулардан фақат бир кишигина қонун лойиҳасига қарши овоз беришини очиқ айтди. Бу депутат **Л. И. Суховдир.** У ўз нуқтаи назарини асослар экан, мамлакатда оддийгина тартиб ўрнатилмаган шароитда бундай қонуннинг қабул қилинишига йўл қўйиб бўлмайди, деди. Бошқа сабаб ҳам тилга олинди: модомики, ҳозирча давлатнинг федератив тузилиши мақоми, унга кирувчи ҳар бир тузилманинг ҳуқуқ ва бурчлари белгилаб олинмаган экан, бу қонунни қабул қилиш бемаврид бўлади. Бундан ташқари мулкчилик тўғрисидаги қонун хусусида сўзлаган депутат референдум ўтказиш керак, деб таклиф қилди, аммо бу таклиф қўллаб-қувватланмади.

Қонун лойиҳаси тўғрисида гапирган депутатлар уни асосан маъқуллладилар. Бироқ мазкур ҳужжат деярли бир овоздан маъқулланган бўлса ҳам, лойиҳанинг айрим тафсилотлари хусусида яқдиллик бўлгани йўқ. Аслида, жамиятдаги мушоҳадаларнинг хилма-хиллигини акс эттириб хусусий мулкчилик тушунчасини киритишнинг мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги теварагида қизғин баҳслар бўлди. Қарши томоннинг далиллари янги эмас: хусусий мулкчиликнинг эътироф этилиши социализмдан воз кечиш, Октябрь инқилоби рад этган кишини киши томонидан экспулатация қилинишига қайтиш демакдир. Аммо мафкуравий мулоҳазаларга эмас, балки иқтисодиётни қандай қилиб тезроқ ва самаралироқ кўтариш ҳақида ўйлаш керак, деган нуқтаи назар устун келди.

Қонуннинг қабул қилиниши пинҳона иқтисодиёт корчалонларининг қўлини узун қилиб қўймасмикин? Айрим нотиқлар шу хусусда хавотир бўлишаётганини айтишди. Депутат **В. П. Носов** ер олди-соттисига қарши эканлигини шартта айтди, чунки депутатнинг фикрича, оддий меҳнаткашлар қўлида бунинг учун маблағ етишмайди, депутат **В. В. Севрюков** эса қонун қабул қилиниши олдидан пул ислоҳоти ўтказишни таклиф қилди. Депутат **А. А. Коршунов** юқоридагиларга эътироз билдиргандек, ижтимоий норасоликларни даволаш йўлини таклиф этди, унинг фикрича, бунинг учун мулкчиликнинг барча турлари устидан тегишли назорат ўрнатиш, шунингдек солиқ солиш юзасидан самарали сиёсат юритиш керак.

Равшанки, музокара фақат шу муаммо хусусидагина бўлгани йўқ. Чунончи, умумиттифоқ мулки ва иттифоқдош, автоном республикалар ва бошқа тузилмалар мулкини аниқ белгилаб қўйиш зарурлиги тўғрисидаги масала ўртага қўйилди. Депутат **Р. А. Убайдуллаева** мулкчилик тўғрисидаги қонун қабул қилинишининг муҳимлигига сира шубҳа билдирмай, қонуннинг эҳтимол тутилган ижтимоий оқибатлари тўғрисидаги муаммони кўтарди. Нотиқ ишсизликни назарда тутган эди. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу ҳақда ўйлаб кўриш керак.

Депутатлар лойиҳага ҳуқуқий баҳо берилишига тўхталиб, ҳужжатнинг қуйидаги «хусусиятлари»га, яъни муаммонинг турли-туман жиҳатларини мукаммал қамраб олишига, унинг қонун лойиҳаларини тайёрлашнинг бошқа босқичларида бир қанча қоидаларни чуқурлаштиришни назарда тутадиган асослилигига эътиборни қаратдилар. Мулк учун ҳақ тўлашни жорий этиш зарурлиги ҳақида таклиф киритилди, бундан мақсад экономиканинг самарадорлигини оширишдан мулк эгасининг манфаатдорлигини кўтаришдир. Депутатлардан **А. Н. Саунин, А. Ф. Касьянов, Б. Г. Васильев, Р. А. Оллоёров** ва бошқалар қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини концепция нуқтаи назаридан қўллаб-қувватладилар, айни вақтда хусусий мулкчилик, ерга ва бошқа табиат ресурсларига эгалик тушунчалари муносабати билан принципиал фикр-мулоҳазаларини айтдилар. Қонун бозор экономикасига ўтишга ёрдам берадими, деган ўринли бир савол берилди. Бу саволга турлича жавоб қайтарилди.

Сўнгги совет аскари Афғонистон заминини тарк этганига бир йил тўлиши муносабати билан депутатлар ўз ҳарбий бурчини бажариб, ҳалок бўлган совет йигитларининг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан ёдга олдилар. СССР Олий Советининг ёшлар ишлари комитети раиси **В. И. Цибух** 15 февралнинг умумхалқ хотира куни деб эълон қилишни таклиф этди. Бу ташаббус СССР Олий Советининг бир қанча комитетлари кўриб чиқиши учун ҳавола этилди. В. Цибух миллатлараро можароларда иштирок этаётган ёшларга мурожаат қилиб, қадамни ўйлаб босишга, умуминсоний қадриятлар миллий низоларга зид эканлигини эсга олишга даъват қилди.

С. С. Алексеев СССР Конституцион назорат комитетининг раиси этиб сайланганини муносабати билан сессия уни СССР Олий Советининг қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети раиси вазифасидан озод қилди. **Ю. Х. Калмиков** комитет раиси этиб сайланди.

СССР Олий Советининг халқаро ишлар комитети раиси вазифасини бажарувчи **А. С. Дзасохов** мазкур комитет раиси этиб сайланди.

Сессия 16 февраль куни ўз ишини давом эттирди.

Репортажни ТАССнинг парламентдаги мухбирлари
А. АЛЕХИН,
А. ДЗЮБЛО,
И. НОВИКОВ,
В. ОРЛОВ олиб боришди.

• КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қиламиз

ОДАМЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

РАЙКОМ ФАОЛИЯТИНИНГ БОШ ЙЎНАЛИШИ

Меҳнаткашлар билан бўлиб ўтган яқиндаги учрашувлардан бирида Гул қишлоғида яшовчи партия ва меҳнат ветерани Абдуғани Имомов қурилиш материаллари дўкони очилишдаги ташаббускорлиги учун райкомга аҳоли номидан миннатдорчилик билдирди. Очиғи, бу ҳол одамни анча руҳлантирди, далда берди. Зотан, чор-тарафдан партияга турли таъна-дашномлар айтилаётган бир пайтда оммани ишончини йўқотмаслик катта гап бўлиб қолди.

Партиянинг обрўси ва авангардлик мавқеини қандай тиклаш мумкин? Бугунги кунда ҳар бир партия ходими ана шу саволга жавоб изламоқда.

Ҳозир район партия комитети ходимлари кўпроқ одамлар орасида бўлишга, уларнинг тақдирлари, орзу-ўйлари билан қизиқишга интилмоқда.

Барча қатори КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль Пленумини зўр қизиқиш билан кузатдик. Пленум материалларини, Марказий Комитетнинг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасини барча коммунистлар қизғин муҳокама қилишаётир. Мен ҳам лойиҳани ўрганиш жараёнида баъзи жумлаларнинг тагига чизиб қўйдим. **«Биз шундай маррага етиб келдикки, энди аввалги хўжалик юритиш ва бошқариш системаси кўп жиҳатдан иш бермай қўйди, янги механизмлар эса ҳали тўла куч билан ишлай бошлагани йўқ».** Ҳақ гап. Вазиятга тўғри баҳо берилган. Бундай шароитда биз коммунистлар, назаримда, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммоларни жадаллик билан ҳал қилиш чораларини излашимиз керак.

Муаммолар эса кўп. Улар йиллар мобайнида тўпланиб қолди. Фаолиятимиздаги маъмуриятчилик усули, ҳадеб планлар, рапортлар кетидан қувиш оқибатида моддий бойликлар яратувчи меҳнат кишиси рақамлар ортида кўринмай қолди.

«Шаҳар билан қишлоқ ўртасида ижтимоий мувозанатни вужудга келтириш — қайта қуришнинг принципиал вазифаларидан биридир. Қишлоқ аҳолисини шинам уй-жой билан таъминлаш, замонавий турмушни йўлга қўйиш, йўллар қуриш учун қисқа муддат ичида янги имкониятлар барпо этилиши керак». Дастурда қайд этилган ана шу вазифаларни бажаришга биз ўтган йили август ойидаёқ изчил киришгандик. Аввало, район партия комитети ва район ижроия комитети ноҳияда қуриладиган социал, маданий-маиший объектлар рўйхатини тузиб, уни район газетаси саҳифасида эълон қилдилар. Бундай қилишимизнинг боиси бор эди. Ушбу объектлар қурилиши озми-кўпми ҳар йили кўзда тутилади. Бироқ унинг бажарилиши тўлиқ назорат қилинмайди. Оқибатда ишлар ўлда-жўлда қолиб кетаверади. Қурилиш объектининг адреси ва фойдаланишга топшириш муддати оммалаштирилгандан сўнг эса, бу ишлар халқ назоратида бўлади. Одамлар эса ҳамиша ўзларига зарур бўлган объектлар қурилишининг тезроқ битишини исташади ва шу маънода қурувчиларни ҳам, раҳабарларни ҳам хотиржам юришларига йўл қўйишмайди. Эълон қилган тадбирларимизда 1989—1990 йиллар мобайнида катта-кичик жами 75 та социал, маданий-маиший объект қурилиши мўлжалланганди. Буларнинг аксарияти шифохоналар, маданият уйлари, мактаблар, пионер лагерлари, болалар боғчалари, савдо ва маиший шохобчалар, турар жойлардир. Ҳозирча ана шу объектларнинг анчаси фойдаланишга топширилди.

Бироқ биз ҳанузгача тез ва соз қуриб олишни ўрганганимиз йўқ. Бу бутун мамлакатга ёйилган нуқсон деб ўйлайман. Қурилишнинг материал таъминоти чатоқ. Кўпинча уюшқоқлик, тадбиркорлик етишмайди, кучларнинг бир жойга — энг муҳим участкага жамланмаслиги оқибатида «туя гўшти еган объект»ларимиз кўпайиб кетади. Солдатский шаҳридаги район марказий касалхонаси қурилиши ҳам жуда чўзилиб кетган эди. Ўтган йили бу объект билан жиддий шуғулландик. Ҳар куни эрталаб ишни ўша ердан бошлашга тўғри келди. Материал-техника таъминоти борасида ҳам кўп югурдик. Ишчи кучи етишмаганда, район хўжаликларидаги қурилиш бригадаларини ёрдамга чорладик. Ниҳоят, шифохона биноси битди. Кўкламда ишга туширишни мўлжаллаяпмиз.

Районда бошқа шифо масканлари ҳам қурилянти. Зотан, медицина хизматининг бугунги аҳволи ана шундай эътиборни талаб қилмоқда. Райондаги 90 минг аҳоли учун бор-йўғи 1140 ўринли шифохона мавжуд. Ҳар минг кишига 19,6 врач тўғри келади. Иттифоқда минг кишига 40, областда 27 врач тўғри келишини айтсак, аҳвол яққол кўзга ташланади. Тўғри, гўдаклар ўлими даражаси йил сайин пасайиб боряпти. Бироқ бундан хотиржам бўлишга асос йўқ. Шу боисдан 5-колхозлараро механизациялашган кўчма колонна маъмурий биносини болалар поликлиникаси ихтиёрига беришга қарор қилдик. Ҳозир бинони мослаштириш ишлари кетяпти.

Умуман олганда, районда социал-маданий-маиший объектлар қурилишлари зарбдор соҳа деб эълон қилинган. Район партия комитети бюро аъзолари, бўлим мудирлари, райижроқўм масъул ходимларининг ҳар бири ана шундай қурилишлардан бирини оталиққа олишган. Тез-тез тўпланиб, ишларнинг боришини муҳокама қиляпмиз. Юқорида таъкидлаганимдек, бу борада асосий камчилик қурилиш материаллари ва ишчи кучининг етишмаслигидир. Изланяпмиз, ахтаряпмиз. Районда 3 та ғишт заводи қурдик. Ёғоч материалларга бўлган эҳтиёжни марказий вилоятлардаги ўрмончилик хўжаликлари билан бевосита алоқа боғлаш орқали ҳал қилишга интиляпмиз.

Социал масалаларнинг катта-кичиги бўлмайди. Ҳаёт турмушдаги ҳар бир муаммони, иккир-чикир нарсаларни ушлайтирмасдан ўз вақтида ҳал қилиш лозимлигини кўрсатмоқда. Зеро, бепарволик, эътиборсизлик қилинса, арзимас камчилик ҳам улғайиб катта-катта социал муаммоларни юзага келтириши мумкин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети сўнгги пайтларда одамларга ғамхўрлик борасида қатор ибратли ишларни бошлаб юборди. Улардан бири камқонли ҳомиладор аёлларга ва пенсионерларга бўлган эътибордир. Район аҳолиси ушбу ташаббусни қизғин кутиб олди. Республика ҳукуматининг 1—5 синф ўқувчиларини бепул нонушта билан таъминлаш ҳақидаги қарори ҳам айни муддао бўлди. Ҳозир Волков номли, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», «Ленинград» каби хўжаликларда барча мактаб ўқувчилари бепул нонушта билан таъминланган. Қолган хўжаликларимиз ҳам ана шу хайрли ишни давом эттиришмоқчи.

Озиқ-овқат таъминоти ҳам асосий муаммоларимиздан ҳисобланади. Бу йил ҳар бир хўжаликда балиқчилик билан шуғулланиш учун шароит яратдик. Ўтган йили Смоленск вилоятига 120 нафар одам юборган эдик. Улар ўша ерда картошка етиштиришди. Натижада куз пайти район аҳолисига арзон нархда минг тоннага яқин картошка сотилди. Бу фойдали ишни яна давом эттирамиз.

Ўтган йили пахтадан бўшаган ерлар ҳисобига 160 гектар янги боғ ва токзор яратгандик. Бу йил ушбу боғларни 370 гектарга кенгайтириш ниятидамиз. 2 минг тонна мева сақланадиган омбор, майиз қуритадиган цех, колбаса цехи ва бошқа объектлар қурилиши режалаштирилган. Узоғи билан 2—3 йилдан сўнг район аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўла таъминлаб, ошиқчасини давлатга сотишга эришамиз.

Хуллас, социал объектлар қурилиши 1990 йилда ўтган йилдагига нисбатан 10 миллион сўмга кўпаяди. Бунга яқинда 214 гектар ерни томорқага бўлиб берганлигимиз ва одамлар оммавий равишда уй-жой қуриш билан шуғулланишини қўшсак, рай онимизни бемалол улкан қурилиш участкасига менгзаш мумкин. Табиийки, бундай ҳолда районимиздаги қурилиш ташкилотларининг кучи етмай қолади. Шу жиҳатдан ҳозирги пайтда қурилиш тащкилотлари қувватини ошириш борасида ҳам айрим мулоҳазаларимиз бор.

Районда қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари мавжуд. Пахта, каноп ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш иқтисодиётимизда асосий ўрин эгаллайди. Колхоз-совхозларимизда ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини механизациялаштиришга интилиш кучли. Шу жиҳатдан ҳам маҳсулот таннархи пасайиб, моддий манфаатдорлик ортиб бораётир. Ўтган йили пахта ҳосилининг салкам юз фоизини техника ёрдамида териб олишга эришдик. Давлатга пландан ошиқча 3930 тонна маҳсулот сотилди.

Меҳнат муваффақиятларини кўпайтиришнинг асосий йўли меҳнат кишисига ғамхўрлик кўрсатиш, унинг турмуш шароитини яхшилашдир. Район партия комитети ҳозир ана шу долзарб масалани бутун партиявий ишнинг диққат марказига қўймоқда.

Н. МАДАМИНОВ,
Ғалаба район партия комитетининг биринчи секретари.

ЭЛНИ ЯСАНТИРИБ

Элга хизмат — олий ҳиммат. Бундай хайрли ишга бел боғлаган кишилар ҳамиша эъзозланадилар. Самарқанддаги «8 Март» тикувчилик бирлашмасида бундай олий ҳиммат заҳматкашлар анчагина. Улар қўлидан чиққан анвойи кийим-кечакларнинг кўпгина хиллари кейинги пайтларда талабчан харидорларга манзур бўлиб қолди. Бунда қўли гул чеварларнинг хизматлари катта. Улар орасида моҳир тикувчи Замира Болтаева ҳам бор. Илғор тикувчи ойлик ва смена топшириқларини ҳар доим ошириб бажаришга одатланган. Ўтган ойда ҳам топшириқни 115процентга етказиб бажарди. У тиккан эркаклар курткасининг 96 фойзи биринчи навга қабул қилиб олинди. Унинг мақсади барча маҳсулотларни биринчи навга топширишдан иборат.

Суратда: Замира Болтаева.

Ғ. АЛИЕВ сурати.

МАСТЕРЛАР КОНКУРСИ

● Олмалиқ химия заводининг 20 йиллиги шарафига асосий касб вакиллари — аппаратчилар ва операторлар ўрасида касб маҳорати конкурси ўтказилди.

Ускуналарга хизмат кўрсатиш қоидаларига аниқ риоя этиш, операцияларни муайян вақтда бажариш — конкурс иштирокчиларига баҳо беришнинг асосий мезонларидир. Аммофос цехининг аппаратчиси Е. Яковлева ва оператор Л. Голубева ғолиб деб топилдилар. Бундай конкурслар ўтказиш корхонада анъана тусини олди.

(ЎзТАГ).

СССР Министрлар Советидан

СССР Министрлар Совети 1990 йил 14 февраль куни «Макеевуголь» бирлашмасининг Поченков номли шахтасида юз берган авария натижасида ҳалок бўлган кишиларнинг оилаларига, қариндош-уруғлари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Ҳукумат комиссиясига ва тегишли давлат идораларига авария оқибатларини тугатиш, жабрланганларга ҳамда ҳалок бўлганларнинг оилаларига ёрдам бериш учун зарур чораларни кўриш топширилди.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ.

ОСОЙИШТА ЯШАШ ВА МЕҲНАТ ҚИЛИШ УЧУН

«Ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат» — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Жамоат тартиби ва гражданларнинг хавфсизлигига қарши қаратилган ҳаракатлар учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ҳақида Андижон трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси 5 минг кишилик коллективининг якдил фикри ана шундай.

— Бирлашмада йигирма миллат вакиллари ёнма-ён меҳнат қилмоқдалар, — дейди бирлашманинг бош директори Г. С. Сидорова. — Меҳнат коллективимиз аъзоларининг 90 фоиздай кўпроғи аёллар бўлиб, уларнинг аксарияти кўп болали оналардир. Шу сабабли жамоат тартиби ва хавфсизлик, миллатлараро муносабатлар масалалари бизни ҳаяжонга солмай қолмайди. Бизнингча, янги Фармон кўп жиҳатдан тартиб ўрнатишга, одамларнинг осойишта яшаши ва ишлаши учун шароит яратишга кўмаклашади.

Шу муносабат билан ўтган йил ёзида юз берган воқеани эсладим. Ҳаммамизни ҳаяжонга солган Фарғона воқеалари кунларида тўқувчи мотористлар гуруҳи бир нотаниш аёлни ҳузуримга олиб келишди, бу аёл Қувасой, Тошлоқ ва Қўқондаги воқеалар тўғрисида ҳар хил уйдирмалар тарқатиб хотин-қизларни ишга чиқмасликка даъват қилган экан. Биз дарҳол милицияга қўнғироқ қилдик, лекин бизга бу аёлни ушлаб туришга ҳеч қандай асос йўқ деб, у билан гаплашиб, сўнгра қўйиб юборишни тавсия этишди. Биз шундай қилдик.

Энди вазият бошқача: ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари бундай миш-мишларни тарқатувчиларни, жамоат тартиби ва гражданлар хавфсизлигига қарши қаратилган хатти-ҳаракатларни содир этувчиларни нима қилишни яхши биладилар.

Кўп миллатли коллективимизда Фармон ҳар бир бригадада муҳокама қилинди. Коллективимиз бутун Ўзбекистон территориясида осойишта яшаш ва бунёдкорлик меҳнати билан шуғулланиш учун нормал шароит яратишни илтимос эмас, балки қатъиян талаб қилмоқдалар. Ўз навбатида бирлашмада ишлаётган ҳар бир ходима ўзимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотларга одамларнинг оммавий эҳтиёжини қондириш учун бутун кучини сарфлашга тайёр.

(ЎзТАГ мухбири).

НАРХ-НАВО БЕЛГИЛАЙДИ

Бугун қишлоқларимизда ўзгариш катта, деҳқонларнинг келажакдан умиди зўр. Бу ўзгаришларнинг ташаббускори яна Коммунистик партия бўлди. Ҳаракат дастури лойиҳасидаги шаҳар билан қишлоқ ўртасида ижтимоий мувозанатни вужудга келтириш қайта қуришнинг принципал вазифаларидан бири эканлиги жуда ўринли таъкидланган. Бу борада дастлабки қадамлар ҳам қўйилди. Масалан, шу кунларда қишлоқ аҳолисини томорқа ерлар билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар бунга мисол бўла олади. Колхозимизнинг ўзида ўтган йили ва шу йил бошларида 500 дан ортиқ ёш оила янги томорқа участкалари олди. Уларга шу мақсадда 120 гектардан кўпроқ энг яхши, серсув ер майдонлари ажратилди. Уйжойлар қурилиши бошлаб юборилди. Қишлоғимизга табиий газ келтириш учун ҳаракат қилиняпти.

Қишлоқда замонавий турмушни йўлга қўйиш учун қилинадиган ишлар ҳали кўп. Бошланғич партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети ҳаракат дастури олдимизга қўйган вазифалардан келиб чиқиб, ўз ишларини қайта қуришлари керак. Нарх белгилашнинг қайта қуриш йўллари ҳақида партия ҳужжатига киритилган жумлалар эътиборимни тортди. Чунки қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархларини ўзгартириш ўта муҳим масала. Ахир пахта, пилла ва бошқа маҳсулотлар давлатга жуда арзон нархларда сотилаётир. Саноат маҳсулотларининг нархи эса икки-уч баравар ошиб кетган. Бу қишлоқнинг социал иқтисодий ривожига хизмат қилмайди. Партия бу масалаларни ҳал этишда қатъият, ленинча принципиаллик, ижодий ёндашув намунасини кўрсатади, деб ишонамиз. Зеро, эълон қилинган Ҳаракат дастури лойиҳаси ҳам мана шундан далолат бериб турибди.

С. ҲАФИЗОВ,
Олтиариқ районидаги «Ўзбекистон» колхози пахтачилик бригадаси бошлиғи.

Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитетининг маълумотидан

Аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи кооперативлар фаолияти тўғрисида

1990 йилнинг 1 январига қадар республикада аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи 1605 та кооператив ишлаб турди. Буларда жами 30,6 минг киши ишлади.

1989 йил мобайнида ана шундай кооперативлар жами 128,6 миллион сўмлик хизмат кўрсатди, шулардан 90,6 миллион сўми аҳолига кўрсатилган маиший хизмат ҳажмидир. Ҳар бир кооперативга ўрта ҳисобда 19 ходим тўғри келиб, улар 80 минг сўмлик хизмат кўрсатишган. 1989 йил якунларига кўра кооперативлар кўрсатган хизматлар маиший хизмат умумий ҳажмида 12,03 фоизни ташкил этди.

Самарқанд областида (249 та), Андижон областида (198 та), Фарғона областида (184 та), Тошкент областида (168 та) кооперативларни ривожлантириш ишлари айниқса фаол олиб борилмоқда. Мазкур областларда кооперативлар 1989 йилда кўрсатган маиший хизматлар тегишли тарзда 28,4; 10,6; 10,3; 15 фоизни ташкил этди.

Бухоро, Наманган ва Хоразм областларида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш кооперативлари етарлича ривожлантирилмади. Масалан, Бухоро областида маиший хизмат ҳажмининг атиги 3,8 фоизи, Наманганда — 5,7 фоизи, Хоразм областида — 6,1 фоизи кооперативлар зиммасига тўғри келди.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи кооперативларнинг ярмидан кўпроғи (56 фоизи) республика Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги системасида ташкил этилди. Улар кўрсатган хизматлар министрликка йиллик планни 101,5 фоиз бажариш имконини берди, шулардан 11,1 фоизи кооперативлар кўрсатган хизматларга тўғри келади.

Министрликлар ва идораларнинг анчагина қисми маиший хизмат кооперативларини тузишда ташаббус кўрсатишмаяпти. Масалан, Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги корхоналари ҳузурида атиги 3 та кооператив, Ўзбекистон ССР Енгил саноат ва Маҳаллий саноат министрликларида 5 тадан, республика Нефть маҳсулотлари давлат комитети ва Ўзбекистон музика жамиятида атиги 1 тадан кооператив ишлаб турибди.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари кооперативларнинг ишлаб чиқариш йўналишларини белгилашга етарлича таъсир ўтказмаяптилар.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи кооперативларнинг аксарияти илгаригидек, уй-жойларни ремонт қилиш ва қуриш, тикувчилик буюмларини тайёрлаш, транспорт воситаларини ремонт қилиш ва уларга техникавий хизмат кўрсатиш ишларини бажаришга ихтисослашмоқда. Аммо ана шу кооперативлар ҳам республика территорияси бўйлаб нотекис тақсимланган. Масалан, ремонт-қурилиш ишларини бажарувчи кооперативларнинг жуда кўпчилиги асосан Самарқанд областида — 80 та кооператив, Фарғона областида — 71 та, транспорт воситаларини ремонт қилиш ва уларга техникавий хизмат кўрсатиш кооперативлари ҳам Самарқанд областида — 43 та, Фарғона ва Тошкент областларида — 31—32 та, тикувчилик буюмларини тайёрловчи кооперативлар Андижон областида 49 та, Тошкент областида — 25 та ва Тошкент шаҳрида 24 та, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро областларида эса атиги 5 тадан 8 тагача кооператив ишламоқда.

Аҳоли ўртасида айниқса кўп талаб қилинадиган маиший хизматларнинг бирмунча сермеҳнат турларини — боғ-роғлар ва томорқа участкаларини ободонлаштириш, мебель ремонт қилувчи, трикотаж буюмлар тикувчи ва тўқувчи, воситачилик хизматлари кўрсатувчи (билетлар, озиқ-овқат маҳсулотларини келтириб берувчи, коммунал хизматларга ҳақ тўлашда ёрдам берувчи, беморларни, кексалар ва ногиронларни парвариш қилувчи, журнал-газета ахборотлари билан таъминлаб турувчи ва бошқа) кооперативларни ривожлантиришга эътибор қаратилмаяпти.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ КОМИТЕТИ ВА ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА

УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИК — ҚОНУНИЙ ЖАЗОГА ТОРТИЛСИН!

Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети ва Ички ишлар министрлиги матбуот хизматининг хабар беришича, республика Давлат хавфсизлиги комитети ва Ички ишлар министрлиги раҳбар ходимларининг қўшма кенгаши ўтказилди. Давлат хавфсизлиги комитети билан Ички ишлар министрлиги бўлинмалари ўртасидаги ҳамжиҳатликни янада яхшилаш йўллари муҳокама қилинди, уюшган жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлар белгиланди.

Кенгашда сўнгги вақтларда мувофиқлаштирилган оператив режаларга мувофиқ биргаликда бир қанча қидирув ва тергов ишлари муваффақиятли бажарилганлиги таъкидланди. Чунончи, 30 январь куни Давлат хавфсизлиги комитети ва Ички ишлар министрлиги бўлинмалари товламачилик ва дўқ-пўписа йўли билан тошкентлик бир кишидан жуда катта пул ундираётган уч кишидан иборат рэкетчилар гуруҳини қўлга туширишди. Бу гуруҳ автомат ва тўппонча билан қуролланган бўлишига қарамай, уларни ушлаш юзасидан оқилона йўл тутилганлиги сабабли қуроллардан фойдалана олмади. Бу воқеадан сўнг бир кун ўтгач, яна бир шундай гуруҳ ўз фаолиятини тўхтатди. Уч кишидан иборат товламачилар бир кишини ўлдирамиз, деб қўрқитиб, ундан 25 минг сўм пулни тортиб олишга ҳаракат қилганлар. Уларнинг ҳаммаси Тошкентдаги кооперативлардан бирининг ходимлари бўлиб чиқишди.

Февраль ойининг бошларида биргаликда яна бир операция ўтказилган эди. Бу операция товламачилардан жабр кўрган тошкентлик киши ўз вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилганида аввалроқ амалга оширилиши мумкин эди. Жиноятчилар ундан 15 минг сўм пул талаб қилган бўлсалар ҳам, бу киши ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар бермади. Пул беришдан бош тортганлиги учун уни шафқатсиз калтакладилар — қовурғасини уриб синдирдилар, оғир жароҳатлантирдилар, миясидан лат ҳам еди. Газандалар ўзлари калтаклаган одамни касалхонага бориб «кўришдан» ҳам уялмадилар, агар у талаб қилинган пулни беришдан яна бош тортадиган бўлса, бундан ҳам баттарроқ жазога йўлиқасан, деб дўқ қилдилар. Жабрланган киши ана шундагина жим туриш мумкин эмаслигини тушуниб етди. Орадан бир неча кун ўтгач, Давлат хавфсизлиги комитети билан милиция ходимлари гуруҳни фош этишди, товламачилардан бири қўлга олинди...

Ҳозир ана шу воқеалар юзасидан тергов олиб борилмоқда, жиноий иш қўзғатилган, кенгашда биргаликда муваффақиятли ўтказилган бошқа ишлар ҳам қайд этилди. Республика Давлат хавфсизлиги комитети билан Ички ишлар министрлигига республикамизнинг жиноий товламачиликка қарши ўз вақтида ва малакали ёрдам кўрсатилган аҳолисидан кўплаб хатлар келмоқда.

Шу билан бирга, деб таъкидлашди учрашув қатнашчилари, бу Ўзбекистонда уюшган жиноятчиликни тугатиш борасида биргаликда бошланган катта ва мураккаб ишнинг дебочасидир, дастлабки қадамлардир, холос. Янада катта натижаларга эришишга қаратилган бир қанча аниқ-равшан қарорлар қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

ИШБИЛАРМОН КИШИЛАР

Айни кунларда жумҳуриятимиз меҳнаткашлари наврўзи оламни юксак тараддуд кўрган ҳолда кутиб олиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Зеро баҳор меҳнат фасли, экиш-тикиш фасли. Шунинг учун ҳам Қўрғонтепа районидаги Куйбишев номли колхознинг марказий ремонт устахонасида анчагина ишлар бажариб қўйилди. Ишбилармонлар бор-йўғи 15 кун ичида экиш техникасини мавсумга созлаб қўйишди. 36 та ҳайдов, 18 та чопиқ тракторлари, 15 сеялка ва 5 та «ОВХ» аппаратлари тахт қилинди. Бу ишларни амалга оширишда тажрибали инженер Усмонжон Қурбоновнинг ҳиссаси катта.

Суратда: моҳир слесарлардан Т. Толипов билан М. Аҳмедов.

В. МОЛГАЧЕВ сурати.

• Чорвачилик: ижара пудрати истиқболи

● Наманган областида чорвачилик қолоқлик ботқоғидан чиқиб, фойдали соҳага айланди. Кейинги пайтларда бу ижобий ўзгаришлар республика миқёсидаги анжуманларда ҳам тез-тез тилга олиниб, маъқулланмоқда. Қисқа вақт ичида соҳада кескин бурилиш ясашга қандай эришилди? Бунинг омиллари кўп. Шулардан энг муҳимлари ижара пудратини жорий этиш ҳамда чорвадорлар ташаббусига кенг йўл очиб беришдир.

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ЮЗАГА ЧИҚДИ

ТЎЙЧИБОЙ ака оддий чорвадор. Бу соҳада 30 йилдан буён ишлаб келади. Илгарилари ҳам чорвачиликни ривожлантириш юзасидан кўплаб ташаббуслар билан чиққан. Лекин «шароит йўқлиги» туфайли уларнинг аксарияти амалга ошмай келарди. Кейинги йилларда эса аҳвол тубдан ўзгарди.

— Қайта қуриш шарофати билан ишлашни хоҳловчилар учун катта имконият яратилди, — дейди у биз билан суҳбатда.

Ҳақ гап. Қайта қуриш, ошкоралик туфайли янгиянги ташаббуслар туғилиб, ҳалол меҳнат юзага чиқаяпти. Буни Тўйчибой ака фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. У 1988 йилда ўзи меҳнат қилаётган Киров номли совхознинг чорвачилик комплексида ижара пудратига ўтиб ишлаш ташаббуси билан чиқди. Совхоз маъмурияти билан шартнома тузиб, дастлаб тирик вазни 300 килограммгача бўлган 50 бош новвосни бўрдоқига боқишни зиммасига олди. Унинг сидқидилдан қилган меҳнати тез орада ўз самарасини берди. Уч ой давомида ҳар бир новвоснинг тирик вазни 430—450 килограммга етди. Яъни, молларнинг кунлик семириши ўртача бир килограмм-у 125 граммни ташкил этди. Бу нафақат район, балки область миқёсида ҳам юқори кўрсаткич эди.

Йил охиригача у яна 56 бош қорамолни парвариш қилди. Натижа яна кутилганидан зиёд бўлди. Бир центнер гўшт етиштириш учун шартномада кўзда тутилганидек, 11 ўрнига бор-йўғи 7 озуқа бирлиги сарфланиб, бир центнер гўштнинг таннархи 189 сўм ўрнига 162 сўмга тушди. Бундан, албатта, совхоз ҳам, ижарачи ҳам фойда кўрди. Жумладан, унинг ойлик маоши 730 сўмдан ошяпти.

1989 йил бошидан Тўйчибой ака ижара пудратини янада такомиллаштиришга киришди. Эндиликда у янги сутдан чиққан ва бир ёшгача бўлган 131 бош бузоқни олиб, ёнига ўғли Олимжон ҳамда жияни Нурмуҳаммад Жалиловни жалб қилди. Бузоқлар ёшига қараб беш группага ажратилди. Биринчидан тўртинчи группагача бўлган моллар бўш, эркин ҳолда, гўштга топшириладиган бешинчи группа эса боғлаб парвариш қилина бошланди. Ниҳоят, йил якунланиб, ғалвир сувдан кўтариладиган пайт келди. Ҳисоб-китобларга қараганда шартномада белгиланган 28570 килограмм ўрнига 35630 килограмм гўшт етиштирилиб, ижарачилар 18116 сўм даромад қилишди.

Биз Тўйчибой акадан, молларни семиртиришда юқори натижага эришишнинг сири нимада, дея сўрадик.

— Бунинг чин кўнгилдан, меҳр билан меҳнат қилишдан бошқа сири йўқ, — дейди у. — Масалан, менинг кўча-кўйда гаплашган гапим, кимгадир берган ваъдам ёдимдан чиқиши мумкин, аммо қарамоғимдаги молларнинг ҳар бирига қанчадан ва қачон ем-хашак бериш асло эсимдан чиқмайди. Кечаси ҳам ўрнимдан туриб, бир-икки марта моллардан хабар олмасам бўлмайди. Илгарилари мутахассислар ёш бузоқларга кунжара, умуман ем бериб бўлмайди, дейишарди. Аслини олганда бу чорва моллариига ем етказиб беролмаслик оқибатида ўйлаб топилган баҳона эди, холос. Ёш бузоқлар сервитамин ва тўйимли озуқалар билан боқилса дуркун ва соғлом ўсади. Катта бўлгандан кейин ҳам яхши ривожланади. Мен буни ўз тажрибамдан яхши биламан.

— Сизни, қандай муаммолар ташвишга соляпти?

— Муаммолар кўп. Оддий озуқа масаласини олайлик. Мен пахта чиқитидан олинадиган кунжара, шелухани назарда тутяпман. Бошқа республикаларда шелухани мол тагини қуруқлаш учун ишлатишаркан. Биз эса унга зормиз. Бу ҳақда мен ҳам, бошқа чорвадорлар ҳам кўп гапиришган. Ҳозир раҳбарларимиз пахтадан олинадиган озуқа маҳсулотларининг ҳаммасини областимизда қолдириш учун ҳаракат қилишяпти. Шу ишлар амалга ошса, айни муддао бўларди. Бундан ташқари, чорвадорларга ихчам, мўъжаз тракторлар жуда зарур. Ҳозир бизда қўл кучи билан бажариладиган ишлар кўп.

— Чорвачилик комплекси ишчилари учун аёллар ва эркакларнинг дам олиш хоналари, кутубхона ҳамда бошқа қулайликларга эга бўлган алоҳида бино бор, — дейди суҳбатга аралашган совхоз партия комитети секретари Ҳабибулло Мажидов. — Лекин чорвачиликдаги барча соҳа тўла ижарачиларга берилгач, бу ерга одамлар кам борадиган бўлиб қолишди. Негаки, ҳамма ўз иш жойидан нари кетмаяпти. Эндиликда ҳар бир ижарачи коллектив учун иш жойларининг ўзида дам олиш ва навбатчилик қилиш учун шароит яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Ҳозир бу масала биз учун биринчи галдаги вазифа бўлиб қолди. Чунки, шу йилдан бошлаб совхозимиз тўла хўжалик ҳисобига ўтди. Чорвачиликдан тортиб, деҳқончилик ва техника воситалари ремонтигача ижарачиларга берилди. Хўжалик раҳбарларининг асосий вазифаси эндиликда бўйруқбозлик эмас, балки ишчиларнинг самарали меҳнат қилишлари учун қулай шарт-шароит яратиб беришдан иборат.

Ҳа, совхозда янгиликни ҳаётга дадил жорий этиш, бу соҳадаги изланишлар, қуйидан бўлаётган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ўз самарасини беряпти. Бунга Тўйчибой Умрзоқов фаолияти яққол мисолдир. Бугунги кунда унинг издошлари нафақат Янгиқўрғон районида, балки бутун Наманган областида кўплаб топилади. Зеро, шароит ва имконият бор жойда ташаббуснинг туғилиши ва кенг оммалашуви осон кечади.

А. МАДАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• Далалардан дараклар

ҲАММАСИ ТАХТ

◆ Сирдарё районидаги «Ўзбекистон» колхози механизаторлари экиш техникаси ремонтини тугалладилар.

17 чопиқ трактори, 14 сеялка, 17 культиватор, 12 та чизель, 515 комплект борона, 16 ҳайдов трактори, иккита ер текислаш мосламаси ва учта автогрейдер созланиб, старт чизиғига келтирилди. Бахтиёр Умматов, Эркин Улашев, Муҳиддин Тошматов, Убайдулла Қувондиқов каби техника жиловкорлари ремонтчилар мусобақасининг голиблари бўлдилар.

Колхоз марказий ремонт устахонаси қошидаги механизаторлар тайёрлаш курси машғулотлари ҳам пухта ташкил этилаётир. Бу ерда ҳозир қишлоқдаги икки ўрта мактабни бутлур тамомлаганлардан 27 нафар йигит-қиз техника сирларини ўрганмоқда. Уларнинг барчаси қишлоқда қолиб, механизаторлик касбини эгаллашга аҳд қилганлар.

Қ. ҲОЖИЕВ.

ТАРАДДУД

◆ Илғор хўжаликлар ҳақида гап кетса, косонликлар «Шарқ юлдузи» колхозини алоҳида тилга олишади.

Хўжаликда айни вақтда янги йил мўл ҳосили учун пухта замин яратилмоқда. Кўкламги экишга тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. 1800 гектар ер сифатли шудгор қилинган эди. Ҳозир ариқ ва зовурлар тартибга келтириляпти. Яқин орада 14 минг тонна нури далага ташиб чиқарилади. Шўр босган 1 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида коллектор қазиляпти. 400 гектар ерда дренаж, 600 гектар ерда лоток ўрнатиляпти.

Бу юмушлар айниқса, И. Улуғов, Н. Мирзаев, Ш. Жуманиёзов, А. Муқимов, Р. Жўраев бошлиқ бригадалар далаларида қизғин олиб борилмоқда.

М. КАРОМОВ.

ТВ: ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

19 февраль, Душанба

УзТВ-I. 17.00 Ҳужжатли фильмлар. 18.05 Мультфильм. 18.15 Болалар ва китоб. 1-кўрсатув. 18.55 Объективда — қайта қуриш. 19.30 Ахборот. 19.45 СССР халқ депутати Эркин Юсупов билан суҳбат. 20.00 Ҳужжатли фильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Танбур ва дутор тароналари. 21.30 Время. 22.00 Экранда — кинокомедия. «Осойишталик бекор қилинади». 23.20 Янгиликлар.

МТ-I. 7.00 «120 минут» 9.05 Мультфильмлар. 9.40 Ҳужжатли фильм. 10.00 «Квартира». Бадиий фильм. 11.15 Кичик фантазия. 12.00 Мўъжизасиз мўъжизалар. 16.00 Ҳужжатли фильм. 16.40 Концерт. 17.25 Болалар соати. 18.25 Ҳокимият — Советларга. 18.55 Коллаж. 19.00 Время. 19.30 Мультфильм. 20.10 Фильм-спектакль. 21.30 Время. 22.00 Фильм-спектаклнинг давоми. 23.05 Рус опера санъати усталари.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 Физика. 10.05 Итальян тили. 11.05 Рус тили. 11.35 ва 12.35 Астрономия. 12.05 Илмий-оммабоп фильм. 13.05 «Сарсонлик-саргардонликда». Бадиий фильм. 11-серия. 17.30 Мультфильм. 17.40 Ишчан ғоялар ярамаркаси. 18.40 Ҳужжатли фильм. 19.00 Время. 19.30 Совет немисларининг муаммолари ҳақида. 20.00 Конькида югуриш. Жаҳон чемпионати. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Конькида югуриш. Жаҳон чемпионати. 21.30 «Армрестлинг Москва-90». 21.50 «Буюк юпатувчи». Бадиий фильм.

20 февраль, Сешанба

УзТВ-I. 11.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 12.00 Телефильмлар. 12.30 Математика. 13.00 Жумҳурият қўғирчоқ театрининг спектакли. 13.50 «Меҳробдан чаён» Бадиий фильм. 17.00 Ҳужжатли фильм. 17.55 Мультфильмлар. 18.10 Болалар ва китоб. 2-кўрсатув. 19.30 Ахборот. 19.50 Кинолавҳа. 19.55 Долзарб мавзу. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.00 КПСС Марказий Комитетининг ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қиламиз. 22.20 «Оила». 23.20 Янгиликлар.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильм. 9.15 Фильм-спектакль. 11.35 Бу бўлган... бўлганди... 11.55 Болалар соати. 12.55 Коллаж. 13.00 Время. 16.00 Ҳужжатли фильм. 16.30 Болалар учун фильм. 18.10 Шеърият лаҳзалари. 18.15 Чолғучилар мусиқа ҳақида. 19.00 Время. 19.30 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 20.00 «Жангга фақат қариялар киради». Бадиий фильм. 21.30 Время. 22.00 «Қўёшли шамол». Бадиий фильм. 23.05 Хоккей. СССР чемпионати. 23.45 Долзарб интервью. 23.55 Ҳужжатли фильм.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 География. 10.05 ва 11.05 Француз тили. 11.35 Мусиқа. 12.05 Уй академияси. 12.35 Халқ куйлари. 12.45 «Сарсонлик-саргардонликда». Бадиий фильм. 12-серия. 14.00 Ҳужжатли фильм. 14.20 Ритмик гимнастика. 16.00 Биатлон. Жаҳон чемпионати. 18.15 Мультфильм. 18.25 Биатлон. Жаҳон чемпионати. 19.00 Время. 19.30 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффусда — Хайрли тун, кичкинтойлар!

21 февраль, Чоршанба

УзТВ-I. 11.30 Қувноқ камалак. 12.00 Телефильм. 12.30 «Болалар фронтга кетишяпти». Бадиий фильм. 16.55 Ҳужжатли фильм. 17.35 Сенинг тақдиринг. 18.45 Паррандачилик: тажриба ва муаммолар. 19.15 Қонунчиликда янгилик. 19.30 Ахборот. 19.50 Тилга эътибор... 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.00 Оталар сўзи — ақлнинг кўзи. 23.05 «Қиёмат қарз». Бадиий фильм.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Чолғувчилар мусиқа ҳақида. 9.50 «Қўёшли шамол» Бадиий фильм. 2-боб 10.55 Ҳужжатли фильм. 11.25 Камалак. 12.00 Дунё бўйлаб. 13.00 Время. 16.00 «Қалбимда — Ватан» Концерт. 16.30 Киножурнал. 16.40 Мусиқий хазина. 17.25 Болалар соати. 18.25 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 18.55 Коллаж. 19.00 Время. 19.30 Ёшлар хабарномаси. 20.15 Резонанс. 21.30 Время. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 «Қуёшли шамол». Бадиий фильм. 2-боб. 23.15 Халқ куйлари. 23.30 Ҳужжатли фильм.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 Табиатшунослик. 10.05 ва 11.05 Немис тили. 11.35 ва 12.35 Физика. 12.05 Илмий-оммабоп фильм. 13.05 «Сарсонлик-саргардонликда» Бадиий фильм. 13-серия. 17.30 Ҳужжатли фильмлар. 18.15 Концерт. 18.25 Мультфильм. 18.40 Ҳужжатли фильм. 19.00 Время. 19.30 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффусда — Хайрли тун, кичкинтойлар!

22 февраль, Пайшанба

УзТВ-I. 11.30 Телефильм. 12.00 Ҳужжатли фильм. 12.20 Болалар учун фильмлар. 13.10 «Оқ кема». Бадиий фильм. 17.00 Кинопрограмма. 18.05 Болалар учун фильм. 18.35 Шеърият дафтаридан. 18.45 ЎзССР Ички ишлар министрлиги матбуот маркази хабар қилади. 18.55 Алифбо сабоқлари. 19.30 Ахборот. 19.50 «Халқ қалби». Фильм-концерт. 20.10 КПСС Марказий Комитетининг ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қиламиз. 20.30 Ахборот. 20.50 Ўзбек куйларидан концерт. 21.30. Время. 22.00 Деҳқон ва замон. 23.00 «Ефрейтор Збруевнинг етти қайлиғи». Бадиий фильм.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Концерт. 9.50 «Қуёшли шамол» Бадиий фильм. 2-боб. 10.55 Йил фасллари. 11.55 Болалар соати. 12.55 Коллаж. 13.00 Время. 16.00 Гармонь янграётган жойга борамиз. 16.30 Болалар учун фильм. 17.45 ТелеЭКО журнали. 18.15 Ғалабанинг 45 йиллигига. Ҳужжатли фильм. 18.45 Кичик концерт. 19.00 Время. 19.30 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 20.15 Инсон ва қонун. 21.30 Время. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 «Қуёшли шамол». Бадиий фильм, 3-боб. 23.20 Дасхат. 00.25 «Сен бугун ёлғиз эмассан».

МТ-II. 17.40 Биатлон. Жаҳон чемпионати. 18.10 Ритмик гимнастика. 18.40 Сирли сайёҳ. Ҳужжатли фильм. 19.00 Время. 19.30 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффусда — Хайрли тун кичкинтойлар!

23 февраль, Жума

УзТВ-I. 11.30 Зоология. 12.00 Телевизион киножурнал. 12.10 Ҳужжатли фильм. 12.30 Физика. 13.00 «Ойижон, мен тирикман». Бадиий фильм.* 17.00 Солдат бўлиб туғилмайдилар. 18.05 Қўғирчоқ фильмлар. 18.35 Қайта қуриш ва матбуот. 19.15 Бугун — Совет армияси ва Ҳарбий Денгиз флоти куни. 19.30 Ахборот. 19.45 Бу ёруғ оламни асранг. 20.30 Ахборот. 20.50 Мусиқий программа. 21.30 Время. 22.00 «Ўзбекистон». 23.10 «Алоҳида эътибордаги зонада». Бадиий фильм.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.00 Концерт. 9.20 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 10.05 «Қуёшли шамол». Бадиий фильм, 3-боб. 11.15 Хотира тинч қўймайди. 11.30 Киноконцерт. 12.30 Ҳужжатли фильм. 13.00 Время. 13.30 Концерт. 15.25 Ғолиблар. 16.25 Мультфильмлар. 16.45 Қувноқ стартлар. 17.30 Бугун — Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз флоти куни. 17.45 «Коинот иродаси». Бадиий фильм. 18.25 Коллаж. 19.00 Время. 19.30 Солдатлар куйлаганда. 21.30 Время. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 Тўташ нуқтаси. 22.25 ...Бу бўлган, бўлганди. 22.45 Нигоҳ.

МТ-II. 9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 Адабиёт. 10.05 ва 11.05 Инглиз тили. 11.35 ва 12.40 Нон ҳамма нарсадан азиз. 11.55 Инглиз тилида кўрсатув. 13.00 «Менинг кўчам». Бадиий фильм. 14.15 «Цитата» Фильм-спектакль. 16.15 «Инқилоб фуқаролари». Бадиий фильм. 17.40 Коллаж. 17.45 Концерт. 18.40 Ҳужжатли фильм. 19.00 Время. 19.30 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффусда — Хайрли тун, кичкинтойлар!

24 февраль, Шанба

УзТВ-I 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 «Навоий гулшани». 11.00 Қудратимиз дўстликда. 11.40 Оналар мактаби. 12.15 Замандас. 13.15 «Тоғлар чорлайди». Бадиий фильм. 14.35 Ерни қандай тақсимлашяпти. 15.15 Илғор тажриба мактаби. 15.45 Халқ истеъмоли моллари нинг сифати учун. 16.05 Кумуш тола ижодкорлари. 17.50 Мультфильм. 18.00 Концерт. 18.30 «Ассалом, футбол». 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.30 Ахборот. 19.45 Концерт. 20.30 Ҳафтанома. 21.10 Концерт. 21.30 Время. 22.00 Дўстлик экрани. 23.00 Қувноқлар ва зукколар.

МТ-I. 7.00 120 минут. 9.00 Сиз яратган боғ. 9.30 Концерт. 10.15 Мультфильм. 10.25 Ҳужжатли фильм. 11.25 Инсон. Ер. Коинот. 12.25 «Капитан С» Бадиий фильм. 13.50 Ҳужжатли фильм. 14.20 Ҳайвонот оламида. 15.20 Спектр. 15.50 Концерт. 16.40 Фидойи шахслар. 18.20 Камалак. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Мультфильм. 19.40 «Бертрам» меҳмонхонаси». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 21.30 Время. 22.00 Телескоп. 22.25 Бахтли тасодиф. 23.30 Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг.

МТ-II. 8.30 Гимнастика. 8.45 Ёшлигимизни акс садоси эди. 10.05 «Жабрланганларнинг даъвоси». Бадиий фильм. 11.45 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 12.15 Педагогика ҳамма учун. 13.15 «Футбол йиллар оша» китоби ҳақида. 14.00 «Тунда оқ отларда». Бадиий фильм, 1-серия. 15.00 Совет Россияси видеоканали. 17.30 Мультфильм. 18.00 Ҳужжатли фильм. 18.50 Концерт. 19.00 Время. 19.30 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффусда — Хайрли тун, кичкинтойлар!

25 февраль, Якшанба

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм, 1-серия. 11.10 Спорт программаси. 12.55 «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм, 2-серия. 14.00 Янгиланиш йўлидан. 14.40 Аёл қалби наволари. 15.30 «Электромаш» заводи. 16.00 Наманган вилояти Поп райони меҳнаткашлари ҳақида ҳикоя. 17.50 Мультфильмлар. 18.20 Ангрен шаҳридаги болалар ҳаваскорлик цирк коллективининг чиқиши. 19.00 Ота-оналар университети. 19.30 Ахборот. 19.50 Оламга саёҳат. 20.30 Ахборот. 20.50 Мусиқий кўрсатув. 21.30 «7 кун». 22.30 «Нофелет қаерда?» Кинокомедия.

МТ-I. 8.30 Спорт ҳамма учун. 8.45 Спортлото». 9.00 Ритмик гимнастика. 9.30 Эрта саҳарлаб. 10.30 Ватан хизматида. 11.30 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 12.00 Саёҳатчилар клуби. 13.00 Мусиқий киоск. 13.30 Здоровье. 14.15 Концерт. 14.30 «Марафон—15». 16.00 Хоккей. СССР чемпионати. 18.15 Қишлоқ аҳли учун публицистик кўрсатув. 19.30 Якшанба кинозали. 20.25 Бадиий фильм. 21.30 «7 кун». 22.30 Абадият ҳақида ўйлар. 22.45 Концерт 23.45 А. П. Чеховнинг Мелиховадаги уй-музейи ҳақида.

МТ-II. 8.30 Зарядкага саф тортинг. 8.45 Ҳужжатли фильм. 9.10 Скрипкачи Владимир Ланцман чалади. 10.00 «Ҳужум». Бадиий фильм. 11.35 Коллаж. 11.40 Ҳужжатли фильм. 12.00 Саёҳатчилар клуби. 13.00 Мультипликатор А. А. Алексеева ҳақида. 13.40 Халқ куйлари. 13.55 «Тунда, оқ отларда». Бадиий фильм, 2-серия. 15.00 Совет Россияси видеоканали. 17.30 Халқаро программа. 18.30 Биатлон. Жаҳон чемпионати. 19.30 Биз яшаётган дунё. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Конькида югуриш. 21.30 «7 кун». 22.30 «Юрмала—90».

МАРҲУМЛАРНИ ЭСЛАЙЛИК, ТИРИКЛАРГА ЁРДАМ БЕРАЙЛИК

ЖИЗЗАХ, 15 (ЎзТАГ). Бугун область марказининг ёдгорлик комплексида Афғонистондаги эълон қилинмаган урушнинг фожиали воқеаларига бағишланган митинг бўлди. Митинг қатнашчилари ўз байналмилал бурчини бажараётиб ҳалок бўлган юртдошларининг хотирасини ҳурмат билан эсга олдилар, шунингдек маҳаллий партия ва совет идораларидан ҳалок бўлганларнинг оилалари ҳамда уруш ногиронларининг турмуш шароитларини яхшилаш билан сўзда эмас, амалда шуғалланишни талаб қилдилар.

Митингда бир овоздан қабул қилинган ҳужжатда республика раҳбариятидан 15 февраль кунини Афғонистонда ҳалок бўлганлар хотираси ва «афғонистонлик» жангчиларга, айниқса ногиронларга ёрдам бериш умумий куни сифатида қонунлаштириш илтимос қилинган.

Митингда Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари А. Ф. Клепиков сўзга чиқди.

КЎЗГУ ТАСВИРЛАРИ

АНЖУМАНДАН СЎНГГИ ФИКРЛАР

Жумҳурият театрларининг Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси ташаббуси билан бошланган иккинчи анжумани ҳам хайрли ижодий тадбирлардан бўлди.

Анжуман бамисоли бир кўзгу. Унда театрлар қиёфаси қандай бўлса, шундай акс этади. Мана шунинг ўзиёқ муҳим, зеро, мақсад фақат ғолибларни аниқлаш эмас. Мақсад умумий аҳволни, етакчи йўналишлар, майлларни аниқлаш, муаммолар, нуқсонлар, етишмовчиликларни белгилаб олиб, шунга яраша чора кўришдир.

Хўш, анжуман кўзгусида нималар акс этди!

Бу галги анжуман ҳам актёрлар, режиссёрлар ва саҳна санъатининг бошқа намояндалари учун яхшигина ижодий, маънавий озиқ берди. Балки, у мактаб бўлмагандир, лекин малака оширув, тажриба алмашув омили бўлди, деб баралла айтиш мумкин. Чунки, турли жанрдаги 12 та асосий ва 8 та рўзномадан ташқари спектакларни томоша қилиш, улар бўйича ўтказилган махсус муҳокамаларни тинглаш, ўзаро мулоқот, суҳбат ва мунозаралар санъаткорларга янги ижодий ишлар учун куч-қувват бахш этганлиги, шубҳасиз.

Анжуман қатор ёш режиссёрларни кашф этди. Бу қувончли ҳодиса, энг муҳим натижадир. Абдураҳмон Абдуназаров, Александр Гамиров, Наби Абдураҳмонов, Нуриддин Қосимов, Валижон Умаров, Равшан Ёриев, Оловиддин Муҳиддинов каби ёш режиссёрларнинг бутун бир бўғини санъатимизга дадил кириб келгани аён бўлди. Албатта, уларнинг даражаси бир хил эмас. Лекин анжуманнинг кўзга ташланган ютуқлари авваламбор айрим ана шундай ёш режиссёрларнинг номи билан боғлиқлиги кишини қувонтиради.

Шулардан бири Абдураҳмон Абдуназаровдир. Унинг раҳбарлигида Қарши шаҳрида 1988 йилда ташкил топган «Мулоқот» театр-студияси фахрли бош совринга лойиқ топилди. «Ҳамзанинг номаълум театри» номи остида берилган «Жононга бордим бир кеча» («Ким тўғри?») комедияси ва «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» трагедияси мутахассислар ва ҳакам ҳайъати томонидан юқори баҳоланди. Биноси йўқ, 13 нафар фидойи ёш артистдан тузилган ушбу уюшманинг номдор театрларни доғда қолдирганига сабаб нима? Сабаби жиддий ижод, намойишкорликдан, сохталикдан воз кечиб, қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатларини чуқурроқ очиб бериш йўлидан юришдир. Аввало, шуни айтиш керакки, А. Абдуназаров Ҳамза матни қандай бўлса, шундайлигича саҳналаштирган. Янгилаш, таҳрир қилиш йўқ. Қолаверса, бир-биридан узоқ бўлган ҳар бир асар жанрига яраша талқин услуби ва иккала бир пардали томошани бирлаштириб турувчи умумий шакл топилган. Студия сайёр иш кўрувчи халқ актёрлари анъаналарини тиклайди. Шартли қилиб дид билан ишланган оддий декорация (рассом А. Сатторов), умумлашмарамзий маъноларни ташувчи унсурлар асарлар мазмунига мос бўлиб, нафақат саҳнада, балки очиқ майдонларда ҳам ўйнаш имконини беради.

Узоқ йўл юриб ҳолдан тойган бир гуруҳ халқ актёрлари саҳна ашёларини кўтариб кириб келишади ва саҳна бўйлаб чўзилиб ётиб қолишади. Аммо дам олишга фурсат йўқ, труппа бошлиғи уларни турғизади. парда тортиб, томошага ҳозирлик кўрадилар. Бошлиқ жар солади, чилдирмачи ишга тушиб кетади. Томоша бошланади.

«Жононга бордим бир кеча» комедияси қизиқчиларнинг тасвир воситалари билан ишланган. Бу Марям ва Рузвон роллари эркаклар — Х. Ҳақбердиев ва А. Бобожонов томонидан ижро этилишида, чилдирмачи ва ғижжакчининг воқеаларни кузатиб, онда-сонда қаҳрамонлар билан савол-жавоб қилиб туришида, ижрочиларнинг томошабинлар билан доимий мулоқотда бўлишида кўринади. Кулгили воситалар меъёрида, мантиқли. «Заҳарли ҳаёт»да миллий фожиа услуби ва шаклини топишга ҳаракат қилинган. Воқеалар зулмат ва жаҳолат рамзини билдирувчи қора фонда кечади, маъсума Марям оқ либосда. Режиссёр актёрларни муҳаббатни ҳам, ғам-ғусса ва фожиали ўлим дақиқаларини ҳам оҳиста маромда ички ҳаяжонларда ифода қилиш сари йўналтирган. Портловчи изтироблар, ҳистуйғулар, исёнкор ҳайқириқлар кўринмайди. Қизиғи шундаки, студия Марям билан Маҳмуджоннинг фожиасида ҳеч кимни, ҳатто қари эшонни ҳам айламайди. Уруф-одатни, шариатни айблайди.

«Паранжи сирлари» спектакли учун режиссёр Александр Гамиров билан рассом Георгий Брим тақдирланди. Албатта, бунда Г. Бримнинг хизмати жуда катта. У халқ амалий-безак санъати (панжара, сўзана, мис кўза, обдаста, миллий либослар) воситалари ёрдамида шундай бир образли муҳит яратганки, унда давр руҳи ёрқин акс этган, актёрларга учтўрт планда ҳаракат қилиш учун қулайлик яратилган. Энг муҳими, декорациянинг ўзидаёқ аёлларнинг, улар шоҳона қасрларда, шойи-кимхобга бурканиб яшасалар-да, тутқун, ҳақ-ҳуқуқлари ва номуслари топталганлигига ишора бор. Албатта, актёрлар маҳорати, ўзаро ички муносабатлар ва ҳолатлар туфайли декорация янада жонланиб, мазмунан бойиган. А. Гамиров «Ёш гвардия» театрининг бош режиссёри Баҳодир Йўлдошев йўлидан борган, бутун жараёнда Б. Йўлдошев унга раҳнамолик қилиб турган. Бу адабий ечимнинг яхлитлигида, услубий бирликда, саҳна сатҳининг ҳамма томонларини ишга солишда, умумлашмарамзий воситалардан кенг фойдаланишда кўринади.

Анжуманда услублар, жанрлар хилма-хиллиги кўзга ташланади. «Майсаранинг иши», масалан, романтик йўналишда ишланган бўлса, К. С. Станиславский номидаги қорақалпоқ театри ўзининг «Эрназар олакўз» спектаклида халқ эпик анъаналарини тиклашга ҳаракат қилган.

Яна шу нарса аён бўлдики, ижодий коллективлар, режиссёрларимиз шу кунларда қандай қилиб бўлмасин, томошабинни театрга қайтариш йўлларини изламоқдалар. Ҳар ким ҳар хил йўлдан бормоқда. Миллий туйғуларни уйғотишга мўлжалланган асар биланми, замонавий мавзу биланми, шу кундаги фожиали ҳодисаларни дадил очиб ташлаш биланми, халқона шакл ва тасвирий воситалар биланми, ишқилиб, томошабин театрга тушса, спектаклни кўрса, қизиқса, ҳаяжонланса, бас. Барча йўллар яхши, фақат мақсад сари етакласа бўлгани. Тўғри, йўллар, воситалар турли-туман бўлиши мумкин. Аммо ҳамма учун битта ўзгармас мезон мавжудки, у ҳам бўлса бадиийликдир. Асар ва шу негизда яратилган спектакль бадиий мукаммал бўлмас экан, у томошабинга етарли ва айни чоқда тўғри таъсир кўрсата олмайди.

Ҳамза номидаги Академик драма театрининг, Муқимий номидаги музикали театрнинг, Андижон, Наманган, Хоразм вилоятлари театрларининг замонавий мавзудаги изланишлари эътиборлидир. Хоразм театри, масалан, «Олма пишганда келинг» номли шўх, қувноқ музикали комедиясида воҳада ҳамон ёшларнинг бахт-саодати йўлида ғов бўлиб турган қалин олиш муаммосини машинага ҳирс қўйиш одати билан бирга қўшиб қарайди. Абдулла Жабборнинг «Чорраҳа», Инъомжон Турсуновнинг «Бу телба дунё» драмаларида корчалонлар, мансабдор шахсларнинг аямай саваланганлиги, маънавий қашшоқлик, шафқатсизлик, ўғрилик, порахўрликнинг дадил сўзлар билан очиб ташланганлиги ёмон эмас. Аммо иккала асарда ҳам тушкунлик, нажотсизлик, умидсизлик устун бўлиб қолган. Бирон бир шуъла, нурли сиймо кўринмайди. Ноумид шайтон. Инсон умид билан яшайди, ахир. Минг афсуски, ушбу пьесаларни саҳналаштирган режиссёрлар драматургларнинг таъсирига тушиб қолганлар. Ҳаётимиздаги ғусали воқеалар, разолатга юз-тубан кетган кишилар ҳақида матбуотда ҳар куни ўқиб, эшитиб, кўриб турибмиз. Театр-газета эмас, бўлолмайди ҳам. Ҳозирги кунда театрнинг вазифаси жамиятнинг боши берк кўчага кириб қолганини кўрсатишдан кўра, уни ёруғ йўлга қандай қилиб олиб чиқиш устида бош қотириш, кишиларни ҳалол, диёнатли, инсофли, меҳр-оқибатли бўлишга чақиришдир, деб биламан. Наманган театрининг К. Йўлдошев саҳналаштирган «Бу телба дунё» спектаклида эътиборли жиҳатлар бор. Масалан, қиз ролида актриса А. Каримова табиий изтироблари билан асабларни қақшатади. Аммо бошқа образлар схематик чиқиб қолган, улар очилмайди, шоирнинг ўзини ўлдириб қўйиши, номозхон дайдининг худога шак келтиришига ишониш қийин. Энг ёмони, спектаклдан умидсизликнинг оқиб келишидир.

Шу нуқтаи назардан Муқимий номидаги театрнинг Машраб Бобоев пьесаси асосида яратган «Мушкул савдо» музикали драмаси (Ҳ. Раҳимов музикаси) диққатга сазовордир.

Спектакль раҳбарларнинг халқдан узоқлашганини, худбинликни қоралайди. Томошабин Ойхон (актриса Н. Ҳасанова)га ҳам, Остон (актёр Т. Бекназаров)га ҳам ачинади, ҳаётдаги бузилишлар ҳақида ўйлаб кетади. Аммо у тушкунликка тушмайди, аксинча, руҳи енгил тортади.

Анжумандан саҳна санъати заҳматкашлари ўзларига тегишли хулоса чиқариб оладилар, келгуси йиғин янада мазмунлироқ ўтади, деб умид қиламиз.

Муҳсин ҚОДИРОВ.
профессор.

СУРАТДА: Ўзбекистон театрларининг II фестивалида бош совринга сазовор бўлган «Мулоқот» (Қарши шаҳри) театр-студиясининг «Жононга бордим бир кеча» томошасидан кўриниш.

К. РОМЕЕВ сурати.

ҲУШХАБАРЛАР

ФАРҒОНАДА ЯНГИ ТЕАТР

● **Фарғонадаги бундан саксон йилча аввал қурилган «Янги давр» кинотеатрида охирги марта кино кўрсатилди.**

Энди у ҳавозалар билан бурканади. Таъмирланганидан сўнг бу ерда Фарғона ёш томошабинлар қўғирчоқ театри очилади. Қурилиш ишларини «Темп» кооперативи билан Тошкентдаги хўжалик ҳисобида ишловчи «Театрон» корхонаси ўз зимасига олди.

Театрда спектакллар икки тилда — ўзбек ва рус тилларида қўйилади. Илгари Горький номли Фарғона область ўзбек музикали драма ва комедия театрининг режиссёри бўлган Маҳмуд Ғуломов янги театрнинг бадиий раҳбари бўлди.

МАНЗАРА ЖОЗИБАСИ

● **Она юрт, унда яшовчи кишилар гўзаллиги — ўзбек мўйқалам устаси, СССР Рассомлар уюшмасининг аъзоси Дилёр Имомов ижодидаги асосий мавзудир.**

Тошкент кино уйида унинг турли йилларда яратган асарлари кўргазмаси очилди.

Д. Имомов республика рассомлик билим юртини ҳамда театр ва рассомлик санъати институтини битирган. Унинг дастлабки асарлари студентлик йилларидаёқ республика ва Бутуниттифоқ кўргазмаларида намойиш қилинган эди. Бу асарлар ўшандаёқ ўзининг беташкрорлиги, ўзига хос бадиий тасвири билан мутахассислар эътиборини тортган эди.

(ЎзТАГ).

• Янгиликни шарҳлаймиз •

✦ Гулистон шаҳрида республикада биринчи намунали бинокорлик материаллари магазини очилди. Биз бу янгиликни шарҳлаб беришни сўраб, баъзи мутасадди идоралар раҳбарларига мурожаат қилдик:

ҚУЛАЙ ВА ФОЙДАЛИ

Т. РАҲИМОВ, Гулистон шаҳар Совети ижроия комитети раиси: — Аввало шуни таъкидлаб ўтиш керакки, республика партия ва ҳукуматининг колхозчилар, совхоз ишчиларининг якка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш юзасидан ўтган йили қабул қилган қарори халқимизнинг бу борадаги кўп йиллик орзу-умидлари рўёбга чиқишига кенг йўл очиб берди. Ана шу муҳим қарор асосида жойларда бўлаётгани каби бизнинг шаҳримизда ҳам ишлар кенг кўламда амалга оширилаётир. Агар кейинги ўн йил ичида аҳолига якка тартибда уй-жой қуриш учун ўн гектар ер ажратган бўлсак, ана шу қарордан сўнг 37 гектардан ортиқ ерни аҳолига тақсимлаб бердик. Бошқача қилиб айтганда, шаҳримизда 800 киши якка тартибда уй-жой қуриш учун ўз ерига эга бўлди.

Бироқ томорқа берилса-ю уй-жой барпо этиш учун керакли материаллар топилмаса, бундай ер ажратишнинг нима кераги бор? Шуларни ҳисобга олиб, бу борада қатор тадбирларни амалга оширмоқдамиз.

Ж. МАМАСОДИҚОВ, Гулистон шаҳридаги ёқилғи ва қурилиш материаллари базаси директори: — Магазин лойиҳасини Минск шаҳридан олиб келдик. Бу ишда бизга белоруссиялик ҳамкасбларимиз яқиндан ёрдам беришди. Биз ўз шароитимизга мослаб лойиҳага зарур ўзгартишлар киритдик. Натижада у янада гўзаллашиб, замонавий тус олди.

Маълумки, республикамизда, шунингдек, бизнинг қўриқ воҳамизда ҳам қурилиш материаллари магазинлари кичик, тор ва ноқулай хоналарга жойлашган. Биз масаланинг ана шу томонларини назарда тутдик. Чунки ортиб бораётган талаб, эҳтиёж шуларни тақозо этмоқда. Ахир, ҳаёт бир кунлик эмас-ку! Шундай экан, бир умрлик объектларни барпо этиш лозим бўлади. Республика партия ва ҳукуматининг аҳолини қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш йўлидаги кўрсатмаларини амалга ошириб, республика Савдо министрлиги ва шаҳар ижроия комитети билан ҳамкорликда мана шу катта тадбирни йўлга қўйдик...

Ихтисослаштирилган магазин ҳовлиси деярли бир гектар майдонни эгаллаган. Магазинга келган киши аввал тижорат хонасига киради. Бу ерни ахборот хонаси дейиш ҳам мумкин. Хонага кирган киши юмшоқ диван ва креслода ўтириб, бир пиёла чой ичиши, нафасини ростлаб, режаларига аниқлик киритиши мумкин. Сўнгра деворлардаги осиғлик маълумотлардан шу кунда магазинда мавжуд молларнинг номлари, қиймати, сифати ҳақида ёзма ахборотлар билан танишиб олади. Шунингдек, бу ерда кишиларга керакли бўлган бошқа маълумотлардан ҳам фойдаланиш имкониятлари яратилган. Иккинчи кенг ва қулай хонада эса киши ўзига ёққан материалларнинг намуналари, яъни асл нусхасини кўриши ва танлаши мумкин. Ниҳоят, учинчи яна бир катта хонада олинган молларни харид қилиб, чиқиб кетаверади.

Бинокорлик материаллари магазинидаги ишларни саноат асосига қурилган дейиш мумкин. Бири иссиққа, иккинчиси эса совуққа чидамли бўлган иккита улкан омборхона, бошқа махсус ихтисослаштирилган хоналарнинг барпо этилиши, темир йўл хизматининг жорий қилиниши, бошқа техник воситаларнинг мавжудлиги шулардан далолат беради. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида магазин қошида транспорт хизмати ҳам жорий этилмоқда.

Магазиннинг биринчи навбати фойдаланишга топширилди. Айни пайтда иккинчи навбати қурилиши давом этмоқда. У битганидан сўнг магазин ўз пилорама ва турли-туман буюртмалар асосида ишлайдиган цехларига эга бўлади. Шундан сўнг харидорлар учун керакли буюртмалар беришнинг кенг имконияти яратилади.

* * *

Мазкур магазин ҳозирча республикамизда ягонадир. У ўзининг қулайлиги билан меҳнаткашлар эътиборини тортмоқда. Республика Савдо министрлиги ҳозирги талаб ва эҳтиёжларни ҳисобга олиб, бу сингари объектларни бошқа жойларда ҳам кўпайтириш ишларини режалаштирса, айни муддао бўлар эди.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЯДИ

Тошкентда ташқи иқтисодий ҳамкорлик уюшмасининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, ижтимоий ва маданий программаларни амалга ошириш учун валютани жалб этиш мазкур уюшманинг мақсадидир. Бу уюшмани 30 дан кўпроқ корхона, илмий муассаса ва жамоат ташкилоти, кооперативлар, республиканинг ижодий союзлари таъсис этдилар. Улар орасида ташқи иқтисодий алоқалар боғлаш, қўшма корхоналар очишда тажриба орттирган ташкилотлар ҳам, ҳали бундан бехабар ташкилотлар ҳам бор.

— Биз ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишда куч-ғайратларимизни бирлаштирмоқчимиз, — дейди «Стройимпекс» ташқи савдо фирмаси бош директорининг ўринбосари Д. Ковалев. — Москвада тузилган ва муваффақиятли фаолият кўрсатаётган ана шу фирма ҳам уюшмани таъсис этувчилардан биридир. — Совет корхоналари чет эл корхоналари билан бевосита алоқа боғлаш ҳуқуқига эга бўлдилар. Аммо эндиликда республика, регион манфаатларини кўзлаб шу ҳуқуқдан тўлароқ фойдаланиш, жаҳон бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаш керак. Чет эллик шериклар билан майда-чуйда экспорт-импорт операцияларидан анча жиддийроқ савдо-иқтисодий муносабатларга ўтиш пайти келди. Биз экспорт-импорт операцияларида, чоғроқ қўшма корхоналар бунёд этишда ёрдам бермоқчимиз, чет эл туризмини ривожлантиришда, Тошкентда менежерлар мактабини очишда кўмаклашмоқчимиз. Ташқи иқтисодий фаолиятга республиканинг жалб этиш уюшманинг ўзига хос хусусиятларидандир. Рассомлар, ёзувчиларга чет элларда кўргазмалар, ярмаркалар уюштиришда, биргаликда фильмлар яратишда, китоблар чиқаришда ёрдам берамиз. Уюшма фаолияти пировардида республика аҳолисини иш билан банд қилишга, ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ёрдам бериши керак.

Уюшмани ташкил этиш чоғидаёқ ташаббускор гуруҳ уюшма фаолиятининг конкрет йўлларини белгилаган эди. Чунончи, Ҳиндистоннинг «Датамейшн» фирмаси билан мева ва сабзавотни қайта ишлайдиган кичикроқ заводлар шаҳобчасини бунёд этиш, меҳмонхоналар, бир марта қўлланиладиган шприцлар заводи қуриш ва уларни ишлатиш тўғрисида ният протоколи имзоланди. Уюшма фаолияти билан батафсилроқ танишиш мақсадида таъсис йиғилишида Ҳиндистоннинг «Датамейшн» фирмаси ва Покистоннинг «Тобоний» фирмаси вакиллари иштирок эдилар. Буюк Британия, АҚШ, Франция, Сингапур бизнесменлари ҳам уюшма билан ҳамкорлик қилиш ниятидадирлар. Улар Ўзбекистон кинематографчилари билан биргаликда фильмлар яратиш, реклама фаолиятини йўлга қўйишга қизиқиб қолдилар. Чет элларда санъат асарлари, китоб маҳсулотлари, амалий халқ ҳунармандчилиги санъати буюмлари кўргазмалари ва ярмаркаларини уюштириш ва кейинчалик у ерда шу нарсаларни сотишни уюштириш имкониятлари ҳақида фикр юритилди.

И. ГРЕБЕНЮК.
ЎзТАГ мухбири.

СПОРТ

МЕРГАНЛИК:
ХОТИРА СОВРИНИ

◆ Термиз шаҳрида анъанавий Бутуниттифоқ мусобақаси ўтказилди. Мухлислар байналмилалчи жангчи Николай Цуранов хотирасига бағишланган мусобақада РСФСР ва Ўзбекистон вилоятларидан тўпланган мерганларнинг чиқишларини томоша қилдилар. Совриндорлик баҳсида нишонни бехато уришга ҳаракат қилган фарғоналик мерганлар бош совринни қўлга киритишди. Бу ғалабага ўзларининг муносиб улушларини қўшган Дмитрий Давидов билан Александр Гречишчев илк марта спорт мастери талабини бажардилар. Тошкент ва пойтахт области командалари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди.

МОТОПОЙГА:
ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧ

◆ Бухоро яқинида турли маркадаги мотоцикларда пойга ўтказилди. Спортчилар «Советская Бухара» газетаси совринни учун баҳслашдилар. Сирдарё область командаси биринчиликни қўлга киритди. Майдон эгалари билан Тошкент область пойгачилари иккинчи ва учинчи ўринларни олишди. Ўзбекистон шахсий чемпионатининг дастлабки босқичи тарзида ўтказилган бу мусобақада тошкентлик пойгачилардан А. Каримбеков билан С. Чудинов, сирдарёлик В. Емельянов, Е. Бочкарев маҳорат кўрсатдилар.

БАСКЕТБОЛ:
КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

◆ Эркаклар командалари ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг дастлабки тур ўйинлари ўтказилди. Ҳозирча Чирчиқнинг «Сельмашчи», Самарқанднинг ЦУМ командалари учтадан ғалабага эришдилар. Тошкентнинг «Политехник» баскетболчилари билан андижонлик спортчилар ҳисобида иккитадан муваффақият бор.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Реклама ва эълонлар

МИНИСТРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР, КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА

СССР ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА БАНКИ

Корхоналар ва ташкилотлар ходимларини шахсий уй-жой қуриши, боғ уйлари қурилиши ва боғдорчилик участкаларини ободонлаштиришга сарфланадиган ўз социал ривожланиш фонди маблағлари ҳисобидан

КРЕДИТЛАШ ҚОИДАЛАРИГА ПУЛЛИ ЎҚИТИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ

Республика банки корхоналар ва ташкилотларни қарзга пул олишни расмийлаштириш учун зарур бўлган бланкалар нусхалари билан таъминлаш кафолатини ўз зиммасига олади.

Буюртмалар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти, 6-уй.

Маълумотлар юзасидан қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинсин: 45-35-43, 45-35-46.

Ўзбекистон Ленин Комсомоли Марказий Комитетининг

«ЕШЛАР УЙИ»

Ўзбекистон Маданият фонди
Ўзбекистон Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети

«МУШТУМ» журнали билан ҳамкорликда

«ҚИЗИҚЧИ—90»

Республика ёш қизиқчиларининг конкурсини ўтказадилар.

Конкурсда 35 ёшгача бўлган танилган ва танилмаган сўз усталари қатнашишлари мумкин. Ғолибларни махсус совринлар ва лауреатлик дипломлари кутмоқда.

Аризалар 20 апрелгача Тошкент шаҳар, Пахтакор кўчаси, 5-уй, 205-хонада қабул қилинади.

Телефонлар: 41-45-20, 41-43-21.

ДИҚҚАТ!

Тўрақўрғон махсус қуруқ мевалар заводи

қуруқ мевалар, сабзавотлар ва майиз ишлаб чиқариш бўйича

Тўрақўрғон «Ширинлик» комбинати деб

АТАЛА БОШЛАДИ

Бизнинг адрес: Тўрақўрғон шаҳри, Наманган области, Наманган кўчаси, 2-уй.

Корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари диққатига!
Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги давлат комитетининг «Ташоблводстрой» кўчма қурилиш-монтаж бирлашмасига қарашли

АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ БОШҚАРМАСИ

ТУГАТИЛДИ

Даъволар 1 мартгача қуйидаги адресда қабул қилинади: 7000128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 5-уй.

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарлари диққатига!
Ўзбекистон ССР Госстройининг

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ВОШ НАЗОРАТ-РЕВИЗИЯ БОШҚАРМАСИ

ТУГАТИЛДИ

Даъволар 1 мартгача қуйидаги адресда тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади: 700011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.

Корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари диққатига!
Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг «Ўзспецстрой» трести

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Трестнинг Сирдарё область Зомин шаҳрида жойлашган

«ПМК-346» БЎЛИНМАСИ

ТУГАТИЛДИ

Барча даъволар 18 мартгача қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 245-а уй. Телефон 67-35-01.

Театр

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/II да **Шанба оқшоми программаси. Зиёфат, Драма актёрлари қуйлайди, Фармонбиби аразлади** (16.00), 18/II **Отасининг қизи, Драма актёрлари куйлайди, Фармонбиби аразлади** (16.00).

Республика автомобиль-транспорти министрлиги «Узавторемонт» ишлаб чиқариш бирлашмасининг

ТОШКЕНТДАГИ 1-АВТОРЕМОНТ ЗАВОДИ

(700005, Тошкент шаҳри, 8-Март кўчаси, 57-уй).

Ремонт қилинадиган маҳсулотлар — «ГАЗ-51», «ГАЗ-52», «ГАЗ-53», «ЗИЛ-130», «ЛАЗ-695», «Урал-375», «ПАЗ-672» автомобилларининг двигателлари ва ўзгарувчан узатиш коробкаси (КПП) номенклатура бўйича

1989 йилнинг 1 декабрига ча берилган ремонт фондидаги буюртмаларни

ҚАЙТА ҚУРИБ ЧИҚАДИ.

Инвентаризация ўтказиш муддати — 2 мартгача.

Буюртмачилар келиб учрашмаган тақдирда буюртмалар бекор қилинади ва ишлаб чиқаришдан олиб ташланади.

Корхоналар ва кооперативларнинг раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

«УАЗ-460» ва «М-2140» маркаларидаги автомобилларни «КАМаз», «МАЗ», «ЗИЛ-133» маркалардаги бортли ёки ярим прицепли дизел автомобилларига

АЛМАШТИРАМИЗ

Маълумотлар учун телефонлар: 76-88-33, 76-87-35, 76-87-31.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратининг партия ва касаба союз ташкилотлари Марказий Комитетнинг масъул ходими В. П. Орловга онаси

Вера Денисовна ОРЛОВА

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«Ўзбекэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Энергонадзор» корхонаси коллективи «Ўзбекэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Т. М. Аҳмедовга онаси

Шухурахон АҲМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат театр ва рассомлик санъати институти ректорати, жамоат ташкилотлари институтнинг катта ўқитувчиси М. Махаметовга онаси

Бозоржон АҲМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда халқ маорифини илмий асосда бошқариш кафедраси коллективи мазкур кафедра доценти, тайёрлов факультетининг декани М. Нишоновга укаси

Ортиқ ҚОБИЛЖОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон социал таъминоти» журнали редакцияси коллективи журналнинг бош муҳаррири А. Маниноповга онаси

Рисолат РАШИДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Биоорганик химия институти коллективи катта илмий ходим В. С. Абдуқаҳҳоровга отаси

Самиг Абдуғаниевич АБДУҚАҲҲОРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-16, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 02578. № 41. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12